

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

«Тасдиқлайман»

Тошкент тиббиёт академияси
хузуридаги педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш тармоқ
маркази директори, доцент

_____ У.А.Ташкенбаева

«_____» _____ 2015 й.

**“ОЛИЙ ХАМШИРАЛИК ИШИ ФАНЛАРИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчилар:

**Професор Разикова И.С.
Асс.Мирпайзиева М.А.**

Тошкент -2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗА МАТНИ	7
Мавзу: Хамширалик жараёни. Хамширалик жараёни босқичлари	7
Мавзу: Замонавий диагностикада лаборатор ва инструментал текширувларнинг ахамияти	17
Мавзу: Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни химоя қилиш	36
АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ	41
Мавзу. Хамширалик жараёни. Хамширалик жараёни босқичлари (6 соат)	41
Мавзу. Замонавий диагностикада лаборатор ва инструментал текширувларни амалга оширишда хамшираларнинг ўрни (10 соат)	44
Мавзу. Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни химоя қилиш(6 соат)	49
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ	54
ГЛОССАРИЙ	55

ИШЧИ ДАСТУР

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Олий ҳамширалик иши фанларининг тарақиёт йўналишлари ва инновациялари” модулининг мақсади: Тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари олий ҳамширалик иш фанлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларнинг замонавий муаммолари хақида билимларини тажомиллаштириш, педагогик муаммоларни аниқлаш, тахлил этиш ва баҳолаш, олий ҳамширалик иши таълим йўналишига назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентлткни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни тажомиллаштиришга қаратилган.

“Олий ҳамширани ўқитишида инновациялар” модулининг вазифалари:

- педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия хақидаги хужжатлар;
- Олий ҳамширалик иши фанларининг тарақиёт йўналишлари ва инновациялари хақида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини тажомиллаштириш ва чукурлаштириш;

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитучилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги олтинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган холда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Олий ҳамширалик иши фанларининг тарақиёт йўналишлари ва инновациялари” модули бўйича тингловчилар инновацион таълим технологиялари муаммоларини тахлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модулмавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси					
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Хамширалик жараёни. Хамширалик жараёнининг босқичлари.	10	8	2	6		2	
2.	Замонавий диагностикада лаборатор ва инструментал текширувларни амалга оширишда ҳамшираларнинг ўрни.	12	12	2	10			
3.	Узбекистон республикасида оналик ва болаликни химоя килиш	12	10	4	6		2	
	Жами:	34	30	8	22		4	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Хамширалик жараёни. Хамширалик жараёнининг босқичлари.

(2 соат)

Режа:

- 1.Хамширалик жараёнининг ахамияти
- 2.Хамширалик жараёнини ўтказиш усуллари
- 3.Хамширалик жараёнини юритиш

2-мавзу. Замонавий диагностикада лаборатор ва инструментал текширувларни амалга оширишда ҳамшираларнинг ўрни.

(2 соат)

Режа:

- 1.Бирламчи хамширалик кўруви
- 2.Хамширалик ташхисининг ўзига хос хусусиятлари
- 3.Бемор муаммоларини аниқлаш ва приоритетлар бўйича таснифлаш

**3-мавзу. Узбекистон республикасида оналик ва болаликни химоя
килиш (4 соат)**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни химоя қилиш.
- 2.Хамширалик ишида мулокот
- 3.Хамширалик ишида оналар ва болалар парваришининг ахамияти

Тингловчиларни замонавий ўқитиш технологияларини кўриб чиқиш. Таълим жараёнини ташкил этишда замонавий технологияларини ёритиш. Олий хамширалик иши фанини таълим жараёнида тингловчиларни фаоллаштириш, инновацион салоҳиятини ривожлантириш этишга ўргатиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. Хамширалик жараёни. Хамширалик жараёнининг босқичлари.
(6 соат)**

Режа:

1. Касалликларда хамширалик ташхисини куйиш принциплари ва хамширалик касаллик тарихини юритиш коидалари.
- 2.хамширалик ташхиси алгоритими
3. Хамширалик ташхисини қўйиш ва пациент муаммоларини аниклаш

2-мавзу. Замонавий диагностикада лаборатор ва инструментал текширувларни амалга оширишда ҳамшираларнинг ўрни. (10 соат)

Режа:

1. Хамширалик ишида bemorлардан маълумот тўплаш жараёнида лаборатор ва инструментал текширувларни ахамияти
2. Ҳамширалик жараёнини олиб боришда лаборатория тахлилларнинг ахамияти ва замонавий инструментал текширувларнинг ўрни.
3. Хамширалик ташхисини асослаш ва парвариш режасини ишлаб чиқиш

**3-мавзу. Узбекистон республикасида оналик ва болаликни химоя
килиш (6 соат)**

1. Ўзбекистонда репродуктив саломатликни ташкил этишда ҳамшираларнинг ўрни.
2. Узбекистонда оиласий тиббиётнинг ривожланиш сарҳадлари
3. Профилактикада хамширалик иши ва кўкрак сутининг афзалликлари;

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Кўчма машғулот режада йўқ

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Хамширалик ишининг бугунги кундаги мавқеи.
2. Хамширалик фанидаги бугунги кун янгиликлари
3. Соғлом турмуш тарзи ва уни тадбиқ этиш йўллари.
4. Ўзбекистонда репродуктив саломатликни ташкил этишда хамшираларнинг ўрни.
5. Профилактиканда хамширалик иши.
6. Хамширалик жараёни
7. Хамширалик жараёни ва уни хужжатлаштириш коидалари.
8. Саломатликни мустахкамлашда тиббиёт ходимларини ўрни.
9. Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш.
10. Узбекистонда оиласий тиббиётнинг ривожланиш сарҳадлари
11. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ этиш
12. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда инновациялар

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Котельников Г.П “Сестринское дело профессиональные дисциплины”. Ростов н/Д. 2007 год.
2. Қосимов Э. Ю. Ички касалликлар пропедевтикаси. Дарслик. Тошкент. 1996 й.
3. Умарова Т. Ю., Каюмова И. А., Ибрагимова М. К. “Ҳамширалик иши” Тошкент 2003й.

Интернет сайтлар:

1. www.ziyonet.uz
2. www.pedagog.uz

МАЪРУЗА МАТНИ

МАВЗУ: ҲАМШИРАЛИК ЖАРАЁНИ. ҲАМШИРАЛИК ЖАРАЁНИ БОСҚИЧЛАРИ

Режа:

- 1.Ҳамширалик жараёнининг ахамияти
- 2.Ҳамширалик жараёнини ўтказиш усуллари
- 3.Ҳамширалик жараёнини юритиш

Таянч иборалар: *ХХК-ҳамишираларнинг халқаро кенгаши, ҳамиширалик амалиётининг халқаро классификатори ҲАХТ ёки International classification for Nursing practice (ICNP).*

Ҳамширалик жараёнининг ахамияти

Ҳамширалик жараёни – тиббий ҳамширанинг систематик кетма–кетлиқда амалга оширадиган касбий парвариши.

Ҳамширалик жараёнинг мақсади – организмнинг асосий эҳтиёжларини қониқтиришда беморнинг мустақиллигини қўллаб–куватлаш ва тиклаш бўлиб, қуидаги масалаларни ҳал этиш билан амалга оширилади:

- Бемор ҳақидаги ахборот маълумотлар базасини яратиш;
- Беморнинг тиббий хизмат кўрсатишдаги эҳтиёжларини айнан тенглаштириш;
- Бемор эҳтиёжларига мос келадиган парвариш режасини тузиш ва парваришни амалга ошириш;
- Беморни парвариш қилиш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш ва беморга тиббий хизмат кўрсатиш мақсадига эришиш.
- Ҳамширалик жараёни ҳамширалик ишининг ажралмас қимидир. Ҳамширалик жараёни 50-йилларнинг охирида АҚШда ишлаб чиқилди.
- Ҳамширалик жараёни бу ҳамшира амалиётда қўллайдиган ва илмий асосланган усул бўлиб, соғлиқни сақлаш амалиётида ҳамшира ўрнининг янги тушунчасини беради ва ундан нафақат амалий томондан яхши тайёргарликни, балки bemor парваришига ижобий ёндошиш, bemorga алоҳида шахс сифатида муносабатда бўлишни талаб этади.
- Ҳамширалик жараёни босқичлари ва мониторинги
- Тиббий ҳамшираларнинг яраларни боғлаш, дорилар тарқатиш, чўмилтириш, овқатлантириш ва юришга ёрдам бериш каби муолажаларни бажариб, bemor парвариш қилишларидан фахрланишлар одатий ҳол бўлиб қолган. Лекин бу муолажалар асосан врач томонидан тавсия этилади. Эндиликда тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ўзгарди, шу билан бирга тиббий ҳамширалар ҳам ўзгардилар. Ҳозирги пайтда тиббий ҳамширалар хусусий муассасаларда ва давлат муассасаларида соғлом ҳамда bemor мижозлар билан ишламоқдалар. Ҳамширалар

тиббий ёрдам кўрсатишдан ташқари координатор, ўқитувчи, маслаҳатчи, адвокат, текширувчи вазифаларини ҳам бажармокдалар. Амалиёт мураккаблашиши билан ҳамширалар ўз иши натижасини тушуниш ва яхшилаш учун ҳамширалик жараёнини тадқиқ эта бошладилар.

- 1955 йилда Холл томонидан ҳамширалик жараёни атамаси ишлатила бошлиши билан кўпгина тиббий ҳамширалар «ҳамширалик иши» нимани англалиши ва бунда нималар ҳамширалар муваффақиятига имкон бўла олишини англашга киришдилар. 60-йиллар назариячилари ҳамширалик соғлиқни сақлаш мутахассислари орасида алоҳида ўринга эга эканлигини таъкидлай бошладилар. Шунингдек, ҳамширалик амалиёти жараёнига маҳсус қадамлар ёздилар. Юра ва Walsh ларнинг ҳамширалик бўйича тўртта қадам – маълумотлар тўплаш, режалаш, даволаш ва баҳолашлари ёритилган биринчи китоби 1967 йилда чиқди. Бунда ҳамшира ташхиси элементи маълумотлар тўплаш босқичининг мантиқий якуни деб қаралган. Щу билан бир вақтда Геббие ва Лавин лар (1974) ҳамшира ташхисини жараёнинг алоҳида қадами деб хисобладилар. Бу ва бошқа изланишлар бугунги кунда маълумотлар тўплаш, ташхис, режалаш, амалга ошириш ва баҳолаш каби беш босқичли ҳамширалик ҳамширалик жараёнининг ишлаб чиқилишига олиб келди. Ҳамширалик жараёни босқичлари 1973 йилда Америка тиббий ҳамширалари уюшмаси Конгресси ҳамширалик жараёни ижро этилишидаги раҳбарлик учун ҳамширалик амалиёти стандартларини ишлаши вақтида қонунлаштирилди. Бу стандартлар 1991 йилда қайта кўриб чиқилди. Соғлиқни сақлаш ташкилотларини аккредитлаш бўйича қўшма ҳайъат тиббий ёрдам кўрсатиш жараёни ҳамширалик жараёнига мос хужжатлаштирилишини талаб қилаётган бўлса, Миллий ҳамширалик лигаси таълим дастурларига ҳамширалик жараёни татбиқ этилишини юкламоқда. 1982 йилда профессионал ҳамширалик амалиёти бўйича давлат назорат ҳайъати қайта кўриб чиқилди. Қайта кўрилган назоратлар беморлардан маълумотлар тўплаш, ҳамширалик ташхиси қўйиш, ҳамширалик парваришини режалаш, амалга ошириш ва баҳолаш амалий кўнилмаларини текшириш тартибида тузилди.
- Ҳамширалик ташхиси атамаси адабиётларда биринчи марта 50-йилларда пайдо бўлди. 1976 йилда Аспинал ҳамшира ташхисини ҳамширалик жараёнидаги «заиф бўғин» сифатида таъриф этди. 1966 йилда Ҳаммонд ҳамширалар ахборот излашда синчков ва назарий билимларнинг мустаҳкам асосига эга бўлишлари лозимлиги, анамнез йиғиш ва ташхис қўйиш шунга боғлиқлигини эътироф этган. Ҳамширалик жараёнининг интеграл компоненти бўлган ҳамширалик ташхиси эволутсиядаги асосий элементлар қўйидагилар хисобланади.

- - 1972 йилда ҳамширалик амалиёти бўйича Ню-Йорк Давлат актлари ташхис профессионал ҳамширалик қонуний доирасининг бир қисми эканлигини белгиладилар. Кейинчалик кўплаб штатларда ҳукуқ ва бурч шу тарзда қайта кўрилди.
- - 1973 йилда Америка тиббий ҳамширалари уюшмаси Амалиёт стандартларига профессионал ҳамширалик функцияси сифатида диагностикани киритди. 1973 йилда Геббие ва Лавин (Шим. Луис университети) тиббий ҳамширалар компетентсиясига кирган касалликларни аниқлаш, стандартлаш ва таснифлаш миллий тадбирлари бошланиши хисобланган Ҳамширалик ташхисини таснифлаш бўйича Биринчи миллий конферентсияни чақирдилар. Конферентсия икки йилда бир ўтказилиб, ҳамширалик ташхисининг фбаёни, таснифи ва тавсифи бўйича ижобий силжишларга эришилди.
- Кейинчалик Ҳамширалик ташхиси бўйича Америка уюшмаси деб ном олган Миллий гурӯҳ 1973 йилдаги Биринчи мажлисида ўз олдига куйидаги масалаларни қўйди:
- - Ахборот йиғиш ва уни ҳисоб палаталари орқали тарқатиш.
- - Ҳамширалик ташхиси йўлга қўйилишини енгиллаштириш учун регионал ва давлат даражасидаги таълим тадбирларини қўллаш. Бу тадбирлар таркибига қўшимча диагностик номларни аниқлаш бўйича йиғилишлар ва тиббий ҳамшираларни ҳамшира ташхисига ўқитиш амалий семинарларининг ташкиллаштирилиши киради.
- - Ҳамширалик ташхисининг қайта ишланиши, таснифланиши, илмий синовдан ўтказилиши давом эттирилиши тадбирларини ташкиллаштириш ва қўллаш. Бу тадбирлар ташхис учун мезонлар аниқланиши бўйича миллий конферентсияларни режалаш, жорий илмий тадқиқотларни назорат қилиш ва таснифлашнинг турли усулларини ўрганишдан иборат.
- Ҳамширалик жараёни: биринчидан bemorniнг парваришига бўлган эҳтиёжларини, иккинчидан у bemorniнг асосий эҳтиёжлари ва ундан кутилган натижаларнинг оқибатларини, учинчидан bemor эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган парвариш режасини аниқлайди, тўртинчидан ҳамширалик ишининг самарадорлиги, касбий маҳоратини аниқлайди.
- Энг асосийси у ёрдам кўрсатишнинг сифатини назорат қилишини кафолатлади.

Ҳамширалик жараёнини ўтказиш усуллари

Ҳамширалик жараёни бирин-кетин амалга ошириладиган 5 та босқичдан иборат:

- беморни текшириш;
- унинг аҳволини ташҳислаш;

- беморга зарур бўлган ёрдам режасини тузиш;
- ҳамширалик аралашувларини амалга ошириш;
- олинган натижаларни баҳолаш.

Ҳамширалик жараёнининг якунловчи натижаси олинган натижаларни ҳамширалик касаллик тарихига хужжатлаштириш ҳисобланади.

1955 йилда Холл томонидан ҳамширалик жараёни атамаси ишлатила бошлиши билан кўпгина тиббий ҳамширалар ҳамширалик иши нимани англатиши ва нималар бунда ҳамширалар муваффақиятига имкон бўла олишини аниклаштиришга киришдилар. Ҳамширалик жараёни замонавий ҳамширалик иши моделининг асосий ва ажралмас тушунчаларидан ҳисобланади. Бу ислоҳат концепцияси 50-йилнинг ўрталарида АҚШда юзага келди ва клиник шароитларда тўрт ўн йилликлар давомида баҳоланиб, мақсадга мувофиқлигини тўлиқ исботлай олди. Ҳозирги вақтда ҳамширалик жараёни ҳамширалик ёрдамининг илмий асосини ишлаб чиқиб, ҳамширалик таълими ва амалиётининг ўзаги ҳисобланади.

1999 йилнинг июнида ҲХКнинг (ҳамшираларнинг халқаро кенгаши) махсус комиссияси ҲХКнинг 100 йиллигига бағишлиланган Лондонда бўлиб ўтган Халқаро конференция аъзоларига ҳужжатнинг иккинчи таҳририни ҳавола этди. Ҳужжатнинг тўлиқ номи – Ҳамширалик амалиётининг Халқаро классификатори ҲАХТ ёки International classification for Nursing practice (ICNP). Ҳамширалик иши учун унинг аҳамиятини катта. ҲАХТ – тиббий ҳамшираларнинг мутахассислик тилини стандартлаштириш, ҳамширалик амалиётини ҳужжатлаштириш, кадрлар тайёрлаш учун зарур бўлган касбий ахборот қуроли. 1972 йилда ҳамширалик амалиёти буйича Нью-Йорк Давлат актлари ташхис профессионал ҳамширалик конуний доирасининг бир кисми эканлигини белгиладилар. Кейинчалик куплаб штатларда хукук ва бурч шу тарзда кайта курилди. 1973 йилда Америка тиббий ҳамширалари уюшмаси Амалиёт стандартларига профессионал ҳамширалик функцияси сифатида диагностикани киритди. 1973 йилда Gebbie ва Lavin (Шим. Луис университети) тиббий ҳамширалар компетенциясига кирган касалликларни аниклаш, стандартлаш ва таснифлаш миллий тадбирлари бошланиши ҳисобланган Ҳамширалик ташхисини таснифлаш буйича Биринчи миллий конференцияни чакирдилар. Конференция икки йилда бир утказилиб, ҳамширалик ташхисининг баёни, таснифи ва тавсифи буйича ижобий силжишларга эришилди. Кейинчалик Ҳамширалик ташхиси буйича Америка уюшмаси деб ном олган Миллий гурух 1973 йилдаги Биринчи мажлисида уз олдига қуидаги масалаларни куйди:

- Ахборот йигиш ва уни ҳисоб палаталари оркали таркатиш.

Ҳамширалик жараёнининг афзаллик томонлари:

- Ҳамшира парвариши ва унинг оиласининг парваришини режалаштириш ва таъминлашда фаол қатнашиш таъминланади. Касб фаолияти мезонларини (стандарт) кенг қўллашга имконият яратилади.

- Беморнинг асосий муаммо ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган вақт ва воситалардан самарали фойдаланилади.

- Тиббий ҳамширанинг ёрдами ва маҳорат чифати кафолатланади.

- Ҳамширанинг тиббий хизматга оид касбий, маҳорат, жавобгарлик ва ишончлик даражаси намоён бўлади.

- Тиббий хизмат кўрсатишнинг хавфсизлиги таъминланади.

Хендерсон фикрича ҳамширалик қундалик фаолияти 14 турдан иборат:

1. Меъёрий нафас.
2. Тоза ичимлик суви.
3. Организмнинг меъёрий фаолияти.
4. Ҳаракат қилиш.
5. Уйқу ва дам олиш.
6. Тўғри кийиниш.
7. Гавда ҳароратини меъёрда сақлаш.
8. Шахсий гигиенага амал қилиш, ташқи қиёфага эътибор бериш.
9. Ташқи салбий омиллар таъсиридан сақланиш.
10. Бошқалар билан мулоқотда бўлиш, эмотсия билдириш, қўрқув, фикр, зарурияти билдириш.
11. Диний, религиоз анъаналарга содиклик.
12. Натижа берувчи фаолият.
13. Қизиқувчанлик, эҳтиёжларини қондириш, соғлиқни мустаҳкамлаш воситаларини қўллаш.
14. Ўйин ёки бошқа дам олиш турларида қатнашиш.

Ҳамширалик жараёнининг дастлабки босқичи – ҳақиқий аҳволни баҳолайди. Бунда ҳамшира анамnez тўплаш ёрдамида керакли маълумотларни тўплайди (структурланган интервю сухбат). Бунда bemордан, ота-онаси, қариндошлар, қўшнилари ёки касаллик тарихидан фойдаланилади.

Беморни текшириш усуслари қуйидагича: Субъектив, объектив ва қўшимча текшириш усуслари.

Ҳамширалик жараёнини юритиши

- Ҳамширалик ташхиси йўлга қўйилишини енгиллаштириш учун регионал ва давлат даражасидаги таълим тадбирларини куллаш. Бу тадбирлар таркибига кушимча диагностик номларни аниклаш буйича йигилишлар ва тиббий ҳамшираларни ҳамшира ташхисига укитиш амалий семинарларининг ташкиллаштирилиши киради.

- Ҳамширалик ташхисининг кайта ишланиши, таснифланиши, илмий синовдан утказилиши давом эттирилиши тадбирларини ташкиллаштириш ва куллаш. Бу тадбирлар ташхис учун мезонлар аникланиши буйича миллий

конференцияларни режалаш, жорий илмий тадқикотларни назорат килиш ва таснифлашнинг турли усулларини урганишдан иборат. Бемор врачга мурожат қилиб келганда доим унинг дардини, касаллик сабабини ўрганиши лозим, кейин bemorning касаллик тарихи дафтарчаси тўлдирилади. У поликлиникада, айниқса шифохонада баътафсил ёзилади. Хозир хамма поликлиникаларда, айниқса шифохоналарда хар бир bemorga алоҳида тарих дафтарчаси очилган бўлиб, у белгиланган тартибда ёзилади. Тарих дафтарчаси бир неча бўлимлардан иборат бўлиб, унда bemorning турар жойи, ким бўлиб ишлаши, ташқи қўриниши ва хасталигини келиб чиқиши тарихини қамраб олган маълумотлар ёзиб борилади. Тарих дафтарчаси бутун мамлакатимиз бўйича бир хил (стандарт) бўлиб, босмахона усулида чоп этилган дафтарчадан иборат.

Шуни хам таъкидлаб ўтиш керакки, тарих дафтарчасининг ёзиш учун врач катта билим ва маҳоратга эга бўлиши зарур. Бунда шифокорнинг тиббиёт оламидаги билими қанча бой бўлса, тарих дафтарчасининг шунчалик тўғри ва тўла ёзишга эришилади.

Керакли маълумотларни тўплаш:

Субъектив маълумотлар: Пациент тўғрисидаги умумий маълумотлар киради:

- **Хозирги шикоятлари** – физиологик, руҳий, ижтимоий, диний ва ҳ.к.
- **Беморнинг сезгилари:** Бемордаги турли ўзгаришларга боғлиқ бўлган, мослашув ўзгаришлари, қониқарсиз туйғулар, ўзгаришларнинг келиб чиқиши, саломатлик ёки касаллик даврининг ўзгариши билан боғлиқ шикоятлар.
- **Ҳамширанинг маълумот тўплаш жараёни жуда муҳим жараён бўлиб, маҳсус схема асосида (ВОЗ томонидан қабул қилинган)** ҳамширалик ишида қўлланилади.
- Пациент тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ, аниқ ва кенг баён этилиши лозим.
- Беморнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотлар турли манбалардан олиниши мумкин: (беморнинг ўзидан, оила аъзоларидан, навбатчи врач ёки ҳамширадан, тиббий ҳужжатлардан, кўриш ёрдамида ва диагностик тестлардан). Маълумотлар базаси субъектив маълумотлар тўпламидан бошланади. Бу маълумотлар bemorning умумий аҳволи, руҳияти, интеллектуал, эмотсионал, ижтимоий, руҳий, жисмоний ҳолатига баҳо беришда ёрдам беради. Пациентнинг ташқи қўринишига, ҳолатига, ташқи муҳит билан алоқасига эътибор беради.
- Маълумот тўплашда ҳамшира турли мулоқот усулларини (сухбат, юз қиёфаси, сўзлашиш актсенти ва ҳ.к.) қўллаб bemorning ишончини қозонади лозим. Ҳамшира ва bemor ўртасида илиқ муносабат бўлиши лозим, бусиз керакли давога эришиб бўлмайди.
- Субъектив: Маълумот тўпламига қуйидагилар киради:
- Пациент тўғрисидаги маълумот.
- Пациентдан сўраш ва маълумот олиш.

- Ҳозирги даврдаги имкониятлар.
- Касаллик тарихи (кечиши).
- Бемордаги ижтимоий турмуш тарзи, одатлари.
- Аллергоанамнез.
- Гинекологик ва эпиданамнез.
- Оғриқлар хусусияти.

Ҳамширалик жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

I – босқич – ҳамширалик текшируви:

Бу босқичда ҳамшира

- Сўраш, анамнез тўплаш орқали керакли маълумотларни олади.
- Объектив маълумот натижалари – унга бўй узунлиги, вазни, юз қиёфаси, эс-хуши, ўриндаги ҳолати, тери ранги, нафас сони, пулс, А/Б, табиий ҳолатлар ва ҳоказо.
- Пациентдаги руҳий – ижтимоий ҳолатни баҳолаш: Бунда пациентдаги ижтимоий-иктисодий маълумотлар, хатарли омиллар, атроф-муҳитнинг таъсири, ундаги турмуш тарзи, заарли одатлар, миллий қадриятлар, оиласиий ахволи, иш шароити, материал, турмуш шароити ва ҳоказо.
- эмотсионал-руҳий кайфияти.

Зарур маълумотларни олиш bemor тушган кундан бошлаб то шифохонадан чиққунча давом этади.

Тўпланган маълумотлар таҳлил қилинганда пациентнинг хаётига ҳавф солувчи омиллар, парвариш қилиш шароитлари белгиланади.

II – босқич – ҳамширалик ташхиси

Ёки пациентнинг муаммосини аниқлаш. Тўпланган маълумотлар таҳлил қилингач, шу асосда пациентдаги муаммолар аниқланади. Муаммолар яққол ифодаланган (ҳозирги даврдаги, аниқ) ёки потентсиал (яширин ёки келгусида мумкин бўлган) бўлиши мумкин.

Буларни яниқлаш учун ҳамшира врач ташхисига таянади, пациентнинг турмуш тарзи, хатарли омиллари, ахволини оғирлаштирувчи омиллар, эмотсионал ва руҳий ҳолатлар аниқланади.

Ҳамширалик ташхиси

- Пациентнинг ҳозирги ва кутилаётган ахволидир.

1087 йилда НАНДА–Фарбий Америка ҳамширалик ташхис ассотсиатсияси, асосан келиб чиқиш сабабларини ўрганиш асосида ташхислар рўйхатини ишлаб чиқди.

Масалан:

1. Хатар (тревога). Бўлғуси оператсия олдидан пациент ахволидан ҳавфсираш.
2. Ҳавф (М. Ётоқ яраси келиб чиқиши ҳавфи).
3. Органлар фаолиятининг бузилиши.

Халқаро Ҳамширалик Иттифоқи 1999 йилда ҳамширалик жараёнининг Халқаро классификаторини ишлаб чиқди. Бунга асосан барча халқлар учун умумий тиббий хужжатлар, умумий бир хил тили белгиланган. Бунга асосан

– Ҳамширалик ташҳис – соғлиқ ёки ижтимоий жараёнлар туфайли келиб чиқадиган ҳамширалик фаолияти билан боғлиқ касбий тушунчалар.

III – босқич – Ҳамширалик фаолияти мақсадини аниқлашда керакли парваришни ўтказиши аниқлаш. Ҳамширалик парваришини ташкил қилиш. Ҳамширалик мақсадига эришиш учун (қайси парвариш турини танлаш учун) ишини тартиб билан режалаштиради.

IV – босқич – Ҳамширалик фаолияти ҳажмини режалаштириш Режалаштириш:

1. Ҳамширалик фаолияти турини аниқлаш.
2. Пациентни парвариш режасини муҳокама қилиш.
3. Бошқа парвариш режалари билан танишиш.

Бажариш:

1. Белгиланган муддатларда парвариш режасини бажариш.
2. Белгиланган режа бўйича ҳамширалик парваришини мувофиқлаштириб туриш.
3. Режалаштирилмаган, лекин лозим бўлган парвариш турларини ҳам мувофиқлаштириш.

V – босқич – Натижаларни баҳолаш

Ҳамширалик жараёнининг охирги босқичидир. Унинг таркибий қисмлари.

1. Эришилган натижаларни режалаштирилган натижалар билан қиёслаш.
2. Режалаштирилган фаолиятларнинг афзалигини баҳолаш.
3. Мабодо кутилган натижага эришилмаса, режалаштириш ва баҳолашни яна давом эттириш.
4. Ҳамширалик жараёнининг барча босқичларига танқидий назар солиш ва лозим бўлса тузатиш киргизиш.

Барча босқичлар ҳамширалик харитасида белгилаб борилади (ҳамширалик касаллик харитасида), ҳамширалик парвариши режаси бу хаританинг таркибий қисмидир.

Маълумотлар тўплаш

Маълумотлар тўплаш – маълумотларнинг тартибли ва давомли тўпланиши, тасдиқланиши ва ахборотидир. Бу маълумотлар саломатлик ҳолати қанчалик соғлиқни ҳимоя қилиш бўйича кўрилган чоралар билан яхшиланганлиги ёки касаллик билан мавхумлашганлигини акс эттиради. Маълумотлар йиғмаси мижоз учун ҳар томонлама ва эффектив даволаш режасини ишлаб чиқиш ҳамда йўлга қўйишга имкон берадиган тиббий ҳамшира ва соғлиқни сақлашнинг бошқа мутахассислари томонидан мижоз ҳақида тўпланган маълумотларга киритилиши мумкин бўлган барча ахборотларни ўз ичига олади. Мижоз ҳақида маълумотлар тўплаш кейинги барча маълумотларнинг тўлиқлиги ва аниқлиги билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳамширалик жараёнида зарур қадам ҳисобланади. Маълумотларни ҳар томонлама тўплаш натижасида ҳамшира мижознинг ўз саломатлигини кузатиш қобилияти ва ҳамширалик парваришига эҳтиёжини, ҳамшира учун мижоз соғилиги ҳолати тўғрисида мулоҳаза қилиш, зарурат бўйича уни врач

ёки бошқа мутахассис маслаҳатига юбориш, унга индивидуал даво режаси тузиш ва бажариш имконини берадиган маълумотлар асосини яратади. Мижоз саломатлиги ҳолатининг бирламчи баҳосига қўшимча қилиб ҳамшира жорий баҳолашни бажаради. Саломатлик ҳолати бўйича мижоз муносабати ёки касаллик ўзгаришида жорий баҳо ҳамширага кўмак бўлади ва бошқа мутахассис тавсия этган ҳамширалик парвариши ёки даволаш чарапарига зарур ўзгаришлар киритишини мўлжаллайди.

Ҳамширалик жараёнининг маълумотлар тўплаш босқичида ҳамшира анамнез йиғиш учун сўров йўли, ҳамширалик физикал кўрик усуслари билан маълумот йигади. Мижознинг кўмакчилари, тиббий варақаси, даволаниши билан шуғулланувчи бошқа мутахассислар ҳам маълумот тўплаш манбалари бўла олади. Ҳамшира томонидан тузилган маълумотлар йиғмаси мижоз саломатлиги ҳолатининг тез ўзгариши муносабати билан кейинчалик тўлдирилиш ва янгиланиши мумкин. Ишга алоқадор барча маълумотлар варақага киритилади, шунингдек, қизиқкан шахсларга зуур бўлганда оғзаки тарзда ахборот берилади.

Маълумотлар икки хил бўлади – объектив ҳамда субъектив. Объектив маълумотлар – бу соғлом фикр билан қабул қилиниши мумкин бўлган ахборотdir. Беморни бир киши кузатиб олган маълумотлари айни bemорни бошқа киши кузатганда, худди шу маълумотлар тасдиқланади. Объектив маълумотларга тана ҳароратининг кўтарилганлиги, тери намлиги, овқат қабул қиласлик мисол бўла олади. Объектив маълумотларни белгилар ёки кичик маълумотлар деб аташ мумкин. Субъектив маълумотлар – бу факат айни ағриган одамгина қабул қила олиши мумкин бўлган ахборотdir. Бу маълумотларни бошқа киши қабул қила олмайди ёки тасдиқлай олмайди. Субъектив маълумотларга асабийлашганлик, кўнгил айниши ёки оғриқ мисол бўла олади. Субъектив маълумотлар симптомлар ёки яширин маълумотлар ҳам дейилади.

Маълумотларнинг хусусиятлари

Мижоз тўғрисида тўпланаётган маълумотлар тўлиқ, аниқ, ўринли ва ишончли кўрсатмаларга асосланган бўлиши лозим.

Маълумотлар тўлиқлиги. Маълумотлар мижоз соғлигини тушуниш ва уни яхшилаш бўйича ҳамширалик парвариши режасини тузиш учун зарур. Масалан, мижоз вазни камайган ҳисоблайлик. Буни билаш ҳамшира вазн бирор белги (симптом) ёки мақсадли камайтирилганлигини (1), унинг парҳез ўхгартирилиши, жисмоний зўрикиш ёки патология асоси билан боғлиқлиги (2), вазн камайишига мижоз қандай қараётганлигини аниқламагунча аҳамиятсиз, фойдасизdir.

Маълумотларнинг аниқ ва ишончлилиги. Мижоз ҳам, ҳамшира ҳам маълумотларни мақсадли ёки билмаган ҳолда нотўғри тасвиrlаши мумкин. Масалан, озғинликни ёқтирадиган мижоз вазнини камайтириб айтиши мумкин. Ҳамшира сўров йўли билан эшитган ва кузатганларини доимий тарзда турли усуслардан фойдаланиб тасдиқлаб бориши керак, иккиланиш

ҳолатларида бошқа ҳамшира билан маслаҳатлашиши зарур бўлади. Кузатилган ҳолатдан хулоса қилишдан уни ёзиб қўйган маъқул бўлади. Масалан, қуидагича ёзиб қўйиш мумкин: «Мижоз деворга қараб ётган ҳолатни тез-тез кузатиш мумкин. Уни сухбатга тортиб бўлмайди. У бугунги тушликдан бош тортди, кечки овқатга фақат шўрва ичди». Ҳамшира мижознинг ахволини «Мижозда депрессив ҳолат» деб интерпретатсия қилиш ҳақиқий формулировка ҳисобланмайди. Мижоз ахволи ҳақидаги ёзув тиббий ҳодимларга ҳолатнинг бошқа сабабларини ахтаришга имкон яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

2. Умарова Т. Ю., Каюмова И. А., Ибрагимова М. К. “Ҳамширалик иши” Тошкент 2003й.
3. Гребнёв А.Н. “Основы общего ухода за больным”. Медицина. 1991й.

Интернет сайтлар:

1. www.ziyonet.uz
2. www.talim.uz

МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКАДА ЛАБОРАТОР ВА ИНСТРУМЕНТАЛ ТЕКШИРУВЛАРНИНГ АХАМИЯТИ

Режа:

1. Бирламчи хамширалик кўруви
2. Хамширалик ташхисининг ўзига хос хусусиятлари
3. Бемор муаммоларини аниқлаш ва приоритетлар бўйича таснифлаш

Таянч иборалар: ҚВП-қишлоқ врачлик пункти, ОП-оилавий поликлиника, РПХГ, МСКТ, КТ, окклюзия, ангиография, патронаж, лаборатория анализаторлари, электрокардио-граф.

Бирламчи хамширалик кўруви

Беморни текшириш усуллари З босқичда олиб борилади:

а) Субъектив текшириш. Сўраб-суриштириш.

б) Объектив текшириш. Физикал текшириш усуллари. Палпатсия, перкуссия, аускултатсия.

в) Кўшимча текшириш усуллари.

1. Лаборатория текшириш усуллари.

2. Инструментал текшириш усуллари.

а) Субъектив текшириш bemордан сўраб-суриштиришдан иборат.

Сўраб-суриштириш bemорни текширишнинг субъектив қисми бўлиб, у bemор ва врач ўртасидаги мулоқот асосида олиб борилиб, бунда врач ўз пациенти (бемори) билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади, хаттоки bemор хақида керакли хulosани чиқариши мумкин.

Сўраб-суриштириш палатада, врач кабинетида олиб борилади. Сўраб-суриштириш эс-хуши жойида бўлган барча bemорларда, агар bemорнинг эс-хуши ўзида бўлмаса унинг ёнидаги кузатувчиларидан: ота-онаси, қариндошурӯғларидан сўралади.

Сўраб-суриштиришдан мақсад:

- маълумот олиш (ташхис учун).

- касаллик келиб чиқишига баҳо бериш.

- бошқа маълумот манбаларини аниқлаш (қариндошлари, бошқа врачлар).

- bemорнинг ишончига сазовор бўлиш.

- bemорнинг хулқ-атворини, билим доирасини билиб олиш.

- bemорнинг касалликка муносабати ва унинг шахсий сифатларига баҳо бериш.

Сўраб-суриштириш мобайнида бегона, нотаниш одамлар бўлмаслиги, албатта врач ва bemор ўртасида ишонч бўлиши лозим.

Бажариш тартиби:

1. Паспорт маълумотларини сўраш (туғилган йили, миллати, касби, иш жойи, манзили, телефон ва х.к.).

2. Шикоятлари:

а) Асосий (енг асосийлари) лари – мазкур орган ва тизим фаолиятининг бузилишига сабаб бўлиши.

б) Қўшимча (2 ламчи) – терли даражадаги умумий ўзгаришлар натижасида келиб чиқиб, бошқа касалликларда ҳам кузатилади.

3. Касаллик анемнезини тўплаш:

- Касаллик қачон бошланди, bemor ёки қариндошлар бу борада кимга мурожаат қилдилар ... ?

- Касаллик қандай бошланди, касалликнинг келиб чиқишининг сабаблари, bemor ёки ота-онаси уни нима билан боғлайди?

- Қўзғалиши ёки касалликнинг бошланиши қандай кечди?

Мавсумийлиги.

- Қандай текширишлар ўтказилди, уларнинг натижаси?

- Қандай даволаш усуллари ўтказилган ва уларнинг самараси қандай бўлди?

- ногиронлик мавжудлиги, қачондан давом этиб келмоқда?

4. Ҳаёт анемнезини тўплаш:

- Умумбиографик маълумотлар (туар жойи, ўқув жараёни бошланиши, ўзлаштириши, маълумоти, ижтимоий аҳволи, жисмоний жиҳатдан фаоллиги).

- Дам олиш кунларидан, меҳнат таътилидан қай тарзда фойдаланиши олдинги ва ҳозирги яшаш шароити, навбатчилик, армия хизмати қаерда ўтганлиги, ўтмаган бўлса – сабаби.

- Ирсияти: Оиласида, яқин қариндошларида артериал гипертензия, қандли диабет, алкоголизм, сил, руҳий бузилишлар, онкологик бузилишлар мавжудлиги.

- Ҳаёти давомида бошидан кечирган касалликлари.

- Меҳнат ва турмуш шароитлари (заарли чанг, оғир туз ва металлар таъсири, касбий заарли одатларидан ҳимоя қилиш омиллари).

- Заарли одатлари: Чекиш, алкогол, наркотикларга мойиллиги.

- Оилавий ва жинсий ҳаёти:

а) Аёл бўлса: ҳайз бошланиши муддати, оғриқ боми-йўқлиги, қачон турмушга чиқсан, хомиладорлиги, туғиш жараёни, аборт бўлиши.

б) эркақ бўлса: Потентсия, либидо:

- Овқатланишнинг хусусияти, пархезга амал қилиш, овқатланишни изига солиши, овқат қўшимчалари, ҳайвон ёғлари, қовурилган, шўр аччиқ маҳсулотларни истеъмол қилиш, озиш мақсадида пархез қилиш, касаллик бўйича пархез қилиш.

- Дори анемнези: Қайси дори воситаларини тез-тез ва узоқ вақт мобайнида қабул, дориларни қабул қила олмаслик холати бўлганлиги, дорилардан аллергия кузатилганлиги, унга қон, зардоб ўтказилганлиги.

- эпидемиологик анамнез: Ноқулай эпидемиологик зонада яшши, юқумли касалліклар билан мұлоқотда бўлиши, ноқулай климато-географик зонада истиқомат қилиши.

Ҳамширалик жараёни тавсифи

Ҳамширалик жараёни ҳамшира билан мижоз биргаликда ҳамширалик парваришига эҳтиёжни, даволаш режаси ҳамда амалга оширилишини ва натижалар баҳосини (3) аниқлашлари учун лозим бўлган тартибли усулдир. Бу жараён босқичлари мижоз билан боғлиқ бўлиб, беш босқичнинг ҳар бири аввалгиси аниқ бажарилишини талаб этади. Жараён ҳамшира билан мижозга қуидагиларни бажаришга имкон беради:

- Мижоз ҳақида тартибли маълумотлар тўплаш (анамнез йиғиш).
- Мижознинг мустаҳкам (кучли, чидамли) ва заиф (кучсиз, берилувчан) томонларини тўғри топиш (диагностика).
- Беморга вазифаларни бажаришда ёрдам берувчи тадбирлар ва ҳамшира харакатларини белгилайдиган даволанишнинг индивидуал режасини ишлаб чиқиши.
- Даволаш режасини ижро этиш (амалга ошириш).
- Даволаш режасининг бажарилиши эфективлигини баҳолаш (баҳолаш).

Бу жараённинг ҳар бир босқичида мижоз ва тиббий ҳамшира партнёрлар сифатида ҳамкор бўлиб ишлашади. Бунда мижознинг иштирок этиш даражасига унинг саломатлиги ҳолати ва ресурслари таъсир қиласи. Агар мижоз гўдак, ҳұшсиз ҳолдаги ёки ҳамкорликка имконсиз киши бўлса, жараён босқичлари мижознинг оила аъзолари ёхуд кўмакчи шахслари ёрдамида бажарилади.

Ҳамширалик жараёнидаги юирламчи мақсад ҳар томонлама илмий асосланган тиббий хизматни бажаришда ҳамширанинг ижодий ёндашишига ёрдам беришдан иборат. Мақсад тўлиқ эрилиши учун ҳамшира интеллектуал шахслараро муомалага ва психомотор кўнималарга, бу кўнималардан мижозлар билан ишлашда касалликнинг олди олиниши, яхши тугаши, саломатлик ва йўқотилган функтсиялар тикланиши жараёнларининг тезлашиши учун ижодий фойдаланиш хоҳишига эга бўлиши керак.

Маълумотлар тўплаш

Ҳамширалик жараёнидаги биринчи қадам – маълумотлар тўплаш. Миеоз маълумотларини тартибли ва давомли йиғиш, баҳолаш ва хабар қилиш ҳамширалик ишининг бирламчи вазифасидир. Маълумотлар тўплаш бўйича қўлланма мазкур муассаса ҳамширалик назариясини акс эттиради. Умуман, ҳамширалик саломатликни ҳимоялаш чоралари кўриш билан кишилар функционал фаоллиги яхшиланиши ёки касаллик ёхуд бетобликка дучор бўлиши масалалари билан шуғулланадилар. Ҳамширалик парваришидаги кейинги босқичлар маълумотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва ўрнига боғлиқдир. Маълумотлар тўплашда ҳамшира қуидагиларни бажаради:

- Ҳамширалик анамнези, физикал баҳолаш, тиббий варақа ва ҳамширалик адабиётлари кўриги, соғлиқни саклаш мутахассислари ва мижознинг кўмакчилари билан маслаҳатларни ўз ичига олган маълумотлар асосида тузади.

- Маълумотлар асосига доимий янгиликлар киритиб туради.

- Маълумотларни баҳолайди.

- Маълумотлар ҳақида хабар қилади.

Диагностика

Диагностика – бу мижоздаги муаммолардан дарак берувчи, ўзгаришлар ёки касалликлар сабаблари пайдо бўлишига олиб келувчи, шунингдек, мижознинг заиф ва мустаҳкам томонларини кўрсатувчи маълумотлар таҳлилидир. Шундан сўнг ҳамшира қайси муаммо билан тиббий ҳамшира, қайси бири билан бошқа тиббий ходим шуғулланишини аниқлади. Таҳлил натижасида саломатликнинг тибиёт ҳамшираси ҳал қила олиши маъқул топилган муаммолари ҳамшира ташхиси дейилади. Ташхисот босқичида ҳамшира қуидагиларни бажаради:

- Мижоз маълумотларининг таҳлили ва интерпретатсияси.

- Мижознинг касаллиги ва мустаҳкам томонларини аниқлаш.

- Ҳамшира ташхисини асослаш ва тартибга солиш (формулировкаси).

- Ҳамшира ташхиси қаторини устуворлиги бўйича кетма-кетлик тартибida ишлаш.

Режалаш

Режалаш – бу ҳамшира томонидан ташхисот жараёнида аниқланган ва саломатлик билан боғлиқ муаммоларни камайтириш, йўқотиш, олди олиниши, бажарилишига шу тарздаги тўғри имкон берадиган ҳамширалик амаллари ҳажмини аниқлаш бўйича мижоз вазифаларини тузишдир. Ундан ташқари, ҳар томонлама даволаш тадбири мижоз эҳтиёжларини қодириш учун зарур ҳамширалик ёрдами (1) ва тиббий даволаш режаси бўйича ҳамширалик амаллари (2) ни белгилайди. Режалаш босқичида ҳамшира қуидагиларни бажаради:

- Устуворликни ҳал этади.

- Мижоз вазифалари ва баҳолашни ишлаб чиқади.

- Ҳамширалик чораларини танлайди.

- Ҳамширанинг парвариш режаси ахборотини беради.

Амалга ошириш

Амалга ошириш даволашни режа бўйича бажаришдир. Унинг таркибида соғлиқни ҳимоя қилиш, касалликларнинг олдини олиш, саломатликни тиклаш ва йўқотилган функциялар қайтарилишини тезлатиш бўйича тиббий ҳамшира бажарадиган барча тадбирлар киради. Бу босқичда тиббий ҳамшира қуидагиларни бажаради:

- Ҳамширалик даволашни режа бўйича бажаради.

- Маълумотлар тўплашни давом эттиради ва зарур бўлганда даво режасига ўзгартириш киритади.

- Хужжатлаштириш ишларини юритади.

Баҳолаш

Баҳолаш – бу мижоз эҳтиёжларининг қондирилиши даражасини ўлчашдир. Ҳамшира ва мижоз биргаликда даволаш режасида қўйилган масалалар қанчалик ҳал этилганлигини ўлчашади ҳамда ижодий ёки салбий таъсирга эга бўлган омилларни аниқлайди. Мижознинг даволаш режасига муносабати бу режа давом эттирилиши, ўзгартирилиши ёки тўхтатилишини белгилайди. Агар баҳолаш ҳамшира парвариши ўзгартирилиши зарурлигини кўрсатса, анамнез маълумотлар, ташхис ва тиббий муолажаларнинг бу маълумотларга мослигини батафсил қўриб чиқиш керак бўлади. Баҳолаш босқичида ҳамшира қуидагиларни бажаради:

- Мижоз хоҳошига кўра вазифаларнинг бажарилганлиги даражасини ўлчаш.

- Вазифаларнинг бажарилишига ижобий ёки салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш.

- Зарурат бўйича ҳамширалик парвариши режасини ўзгартириш.

Ҳамширалик жараёни тасвири

Босқич	Изоҳ	Мақсад	Тадбирлар
Маълу мотлар тўплаш	Маълумотлар тўплаш, мижоз ҳақида ахборот бериш ва тасдиқлаш	Мижоз саломатлиги ҳолати, унинг қобилияти тўғрисида холоса чиқариш. Ҳамшира томонидан парвариш қилиниши ва ҳамшира парваришига муҳтоҷликни назорат этиш. Мижознинг соғлиги ҳолати, ўзгаришлари хисобга олинган ҳар томонлама индивидуал тиббий парвариши режалаштириш.	1. Маълумотлар асосини тузиш: - ҳамширалик анамнези; - физикал баҳолаш; - мижоз тиббий варақаси ва адабиётларни қўриб чиқиш; - соғлиқни сақлаш мутахассислари ва мижознинг қўмакчи шахслари билан маслаҳатлашиш. 2. Тиббий варақани янги маълумотлар билан тўлдириб бориш. 3. Маълумотларни тасдиқлаш. 4. Маълумотлар ахбороти.
Ташхис қўйиш	Мижознинг ҳамшира мустақил ҳал	Ҳамширалик ташҳисининг устиворлик тартиби	1. Маълумотлар асосининг таҳлили ва интерпретатсияси.

	қила оладиган касалликлари ёки мустаҳкам томонларини аниқлаш учун маълумотлар таҳлили.	рўйхатини тузиш.	<p>2.Мижознинг касалликлари ва салбий томонларини аниқлаш.</p> <p>3.Ҳамширалик ташҳисини аниқлаш ва тартибга солиш.</p> <p>4.Ҳамширалик ташҳисининг устиворлик рўйхатини ишлаш.</p>
Режала ш	Ҳамширалик ташҳисида кўрсатилган муаммоларнинг олди олиниши, камайтирилиши ва йўқотилиши бўйича мижоз вазифалари (1) ҳамда шунга мос ҳамширалик муолажаларини белгиланиши (2).	Индивидуал ҳамширалик парвариши режасини ишлаб чиқиш.	<p>1.Ўстиворликни тартиблаш.</p> <p>2.Вазифалар тузилиши ва баҳолаш услубини ишлаб чиқиш.</p> <p>3.Ўлчов тизимини танлаш.</p> <p>4.Ҳамширалик парвариши режасининг ахбороти.</p>
Амалга ошири ш	Даволашни режа бўйича бажариш.	Мижозга соғлиқ ҳимояси, касалликлар олдини олиниши, бузилган функтсияларнинг тикланишини тезлатиш ва шу ишни бажаришда ёрдам кўрсатиш.	<p>1.Даволашни режа бўйича бажариш.</p> <p>2.Маълумотлар тўплашни давом эттириш ва зарур бўлганда даволаш режасига ўзгартириш киритиш.</p> <p>3.Хужжатлаштириш.</p>
Баҳола ш	Даволаш режасида белгаланган вазифалардан мижоз истаганини бажара олиш	Даволашни режа бўйича давом эттириш, ўзгартириш ёки тўхтатиш.	<p>1.Мижоз олдига қўйилган вазифаларни қанчалик бажара олганлигини ўлчаш.</p> <p>2.Мақсадга эришиш ёки эришмасликка сабаб бўлувчи омилларни</p>

	даражаси ўлчаниши, кўйилган масалалар бажарилишига ижобий ёки салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, зарурат бўйича даволаш режасини қайта кўриб чиқиш.		аниқлаш. 3. Зарурат бўйича даволаш режасини ўзгартириш.
--	--	--	---

Умумий кўрув ва тана қисмларини кўздан кечириш

Кўрув ва кўздан кечириш bemorning умумий аҳволи ҳақида фикр юритишимизга ёрдам беради.

Дастлаб умумий кўрув ўтказилиб сўнгра эса тана ва қисмларни алоҳида кўздан кечирилади.

Мақсад: эс-хушли, bemorning аҳволи, руҳий ҳолати, умумий кўриниши, тери қопламлари, танасидаги алоҳида қисмларининг кўриниши баҳоланади.

Кўрсатма: Кўрув барча bemorларда албатта ўтказилиши шарт.

Шароит: Ёруғ, иссиқ, тинч хона.

Бажариш тартиби:

1. Бемор ҳолати:

- Фаол (актив) – bemor ўз-ўзига хизмат қила олади.
- Пассив – Ётоқ ҳолатидаги оғир аҳволдаги bemor.
- Мажбурий – Бемор ўз аҳволини енгиллатиши (оғриқни камайтириш учун, ҳансираш, бўғилишни камайтириш мақсадида бу ҳолатни танлайди).

2. Конститутсия (Гавда тузилиши).

- Астеник – Гавданинг узунасига бўлан ўлчами, энига кўндалангига бўлган ўлчамидан устун (орик).

- Гиперстеник – Гавда кўндалангига ўлчами, бўйига ўлчамидан устун (семиз).

- Нормостеник – пропортсионал ўлчамлар.

Хамширалик ташхисининг ўзига хос хусусиятлари

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2013 йил 17 майда "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги

161-сонли буйруқ қабул қилиниши билан ҳар бир оила шифокорининг қабул меъёрлари, оила ҳамшираларининг лавозим йўриқномалари тасдиқлаб берилди. Ушбу буйруққа асосан, ҳар бир бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаси кўптармоқли марказий поликлиника, ҚВП ёки оиласидай поликлиникалар шифокорларининг қабул меъёрлари кўрсатиб берилди. Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган буйруқларга асосан, ёши ва жинсидан келиб чиқиб, ҳар бир аҳоли бир йилда неча марта профилактик кўриқдан ўтиши аниқ белгиланди. Шунингдек, буйруқларга асосан, лаборатор текширувларни қайси давр оралиғи билан ўтказиш кераклиги кўрсатиб берилди. Буйруқнинг 2-иловасида оила ҳамшираларининг лавозим йўриқномаси тасдиқланган бўлиб, вазирликнинг 2009 йилдаги 80-сонли буйруғидаги низомдан фарқли равишда оила ҳамширасининг ўз функционал вазифаларини бажариш жараёнида қандай амалий кўникмаларга эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бир ставкада ишловчи оила ҳамшираси 1 иш куни давомида 6 та хонадонда бўлиши керак. Оила ҳамшираси хонадонга бориб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориши, шунингдек, бир ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, ногирон, қариялар ва диспансер назоратидаги беморларни патронаж тизими билан қамраб олиши, шифокор кўрсатмасига биноан уй шифохона шароитида муолажани бажариши кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён барча соҳалар сингари соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда ва бу ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Мулоқот техникаси. Самарали мулоқот 5 элементдан ташкил топган:

- юборувчи – маълумот юборувчиси
- маълумот – юборилган маълумот
- канал – юборилаётган маълумот тури (офзаки, ёзма, қўл ҳаракати).
- қабул қилувчи – маълумот қаратилган шахс
- тасдиқлаш – маълумот қабул қилинганлиги ҳақида тасдиқ.

Тўғри савол бериш орқали мулоқот самарали бўлиши мумкин.

Саволлар «ёпиқ» бўлиши мумкин. Бу саволларга қисқа «ҳа» ва «йўқ» жавоби олинади. «Очиқ» саволларга нисбатан «ёпиқ» саволларга тўлиқ жавоб олиш мумкин. Масалан: «Сиз қила оласизми?», «Сиз хоҳлайсизми?», «Сизда борми?». «Очиқ» саволлар: «Айтолмайсизми?», «Менга кўрсата олмайсизми?», «Нима?», «Қачон?», «Қандай?» савол тўғри берилса, мулоқот самарасиз бўлади.

Тушунмовчиликнинг сабаблари ҳар хил:

- маълумотнинг берилиши тушунарсиз ёки жуда тез ёки жуда паст.
- маълумот бериш нотўғри олинган (масалан, инсон ёмон эшитишни ёки ёзма равишда берилган маълумотни ўқий олмаса).

-юборувчи маълумотни олганлиги ёки тушунгандиги ҳақида тасдиқ олмаган.

Вербал мулоқотнинг 2 та зарур элементи мавжуд:

Вербал мулоқотда нима гапирилаётганлиги ва қандай гапирилаётганлиги аниқ ва қисқа бўлиши лозим.

Вербал мулоқот қуйидаги ҳолатларда самарали бўлиши мумкин.

- секин сўзланса, нутқ аниқ бўлса, осон қисқа жумлалар қўлланса;
- маҳсус терминология кўп ишлатилмаса, бемор учун терминология тушунарсиз бўлса, бемор терминология мазмунини сўрашга уялади ва мулоқот натижасиз бўлади;
- мулоқотга тўғри вақт танланса, бемор ҳамшира билан мулқотга хоҳиши бўлса;
- сиздаги кайфиятсизлик бемор билан мулоқотга таъсир қиласди: гапдаги, сўздаги товуш. Қайғуриш, фарқсизлик, қўрқув, бемор билан мулоқотда намоён қилмаслик зарур.

Ёзма новербал мулоқотнинг ҳамшира учун аҳамияти катта. Бу мулқотда қуйидаги қўрсаткичлар инобатга олинади:

- тоза ва чиройли ёзиш;
- харфларнинг тирик – майдалигига ва рангига аҳамият бериши зарур;
- хабарномага барча маълумотлар киритилганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш керак;
- хатосиз ёзишга харакат қилиш маъқул.

Ёзма мулоқотнинг самаралигини бир неча омиллари бор:

- ўқий олиш;

- тушуниш;

- кўра олиш;

- ёзилган маълумотни тушуниб олиш.

Новербал (сўзсиз) мулоқотни кўз, қўл ҳолати билан амалга ошириш мумкин. Одам қандай мулоқотни танлашидан қатъий назар маълумот берилаётган одамга тўғри келиши керак. Маълумот ишончли, маъноли, юқори савияли бўлса, маълумот қабул қилувчи одамнинг ишончи ортади. Айримлар ишонч мулоқотни агрессив муомала билан алмаштирадилар – бу нотўғри. Шунинг учун анча ўйлаб, танлаб ва қандай таъсир қилиши ҳақида ўйлаш лозим. Бемор билан суҳбатлашишда, қуйидаги қўрсатмаларга риоя қилиш керак:

- агар тилингизга кўнгилсиз сўз келса, чиқиб кетинг;
- бўлиб ўтган воқеани ҳурмат қилган кишингизга айтинг;
- суҳбатдошингизга қизиқиш билан қараш, бемор ҳамшира қизикишини сезиши лозим.

Мулоқот ўрнатиши. «Мулоқот ўрнатиши» тушунчаси қатори-га коммуникатсиянинг асоси бўлиб хизмат қилувчи ҳозир билиш сезгиси, эшитиш маҳорати, қабул қилиш маҳорати, хавотирни билдира олиш, bemorга

дилни оча билиш, ўзга қарашларни қабул қилиш, бирга қайғуриш ва ўзгани хурмат қила билиш тушунчалари киради.

Барча одамлар мuloқot ўрнатиш учун айнан шу компонентлардан маълум даражада боҳабар бўладилар. Ҳамширалар учун тушуниш ва жавоб қайтариш жараёнидан мақсад bemорнинг “сир”ини очиш эмас, балки “сир” ни ўрганиш, яни мuloқot давомида инсоннинг феъл-атворини ўрганишдан иборат. Бундай ҳаракатлар орқасидан Сиз ўзгалар ва ўзингиз ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўласиз.

Коммуникатсия - ҳамширалик ишининг асосидир. Инсонни тушуниш ва у билан мuloқot қилиш учун ҳурмат ва эътибор талаб қилинади.

Ўзаро мuloқot қилиш - коммуникатсиянинг асосий компонентлари: ҳозир билиш сезгиси, ҳамширанинг эшлиши маҳорати, қабул қила олиш маҳорати, хавотирни билдира олиш маҳорати, ўзга қарашларни қабул қилиш, бирга қайғуриш, самимийлик ва ўзгаларни ҳурмат қилиш.

Ҳозир билиш сезгиси - кенг маънода ўзга одам билан учрашувни билдиради, бу эътиборнинг аниқ қўриниши бўлиб, қабул қилиш ва қизиқишдан иборат.

Эшиитиши маҳорати - бунинг учун ҳамширадан сезгирик, тушуниш, ўзга одамни муҳокама қилишдан ўзини тийиш каби хислатлар талаб қилинади. Сўз юритилаётган мавзуни чукур англаш учун, шу хислатларни ўзида ривожлантириш ва юксак даражага чиқариш талаб қилинади. Яхши тингловчи бўлиш учун эса бутун фикрини ўзга одамга жамлаш, ўз уй-фикрларини сингдира ола билиш керак.

Хавотирни билиш маҳорати – ўзга одамга хавотирни билдириш, унга ёрдам бериш кўзда тутилади. Ҳамширалик амалиётида хавотирни билдириш маҳорати муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ҳамшира учун бу хислат кўп нарсани англатади ва bemor тўғрисида ташвиш тортиш, ҳол-аҳвол сўраш, парвариш қилишни ўз ичига олади.

Эшиитиши маҳоратининг умумий тамойиллари. Енди эшлиши маҳоратининг бир неча самарали тамойилларини қўриб чиқамиз.

• Гапиришни бас қилинг - бу тўғрисида ёзиш жиддий эмасдек туюлади, лекин сухбат давомида бир вақтда биргина одам гапиради, иккинчиси эса уни тинглайди. Бутун эътиборни bemorга қаратинг ва ўзингизга жалб этинг. Уни саволлар ва мuloҳазалар билан чалғитманг, бунинг ўрнига bemorга бор гапни сўзлаб беришга имконият беринг.

• Чалғитувчи омилларнинг олдини олинг - бу омиллар телефон кўнғироқлари, автомобил ва техник жиҳозлар, одамлар шовқини бўлиши мумкин. Газета ўқиётган, қўлида қалам ўйнатаётган, деразадан ташқарига боқаётган ва шу каби машғулотлар билан шуғулланаётган одам билан сухбат қуриш қийин бўлса. Шунинг учун бундай ҳолатларнинг олдини олинг.

- сўзлаётган одамдан нигоҳингизни олиб қочманг.
- гапираётган одамга, унинг сўзларига қизиқишингиз борлигини кўрсатинг.

- сұхбатнинг асосий мазмунини илғаб олинг.
- инсоннинг қайси мавзуда гаплашишни истамаслигини аникланг.
- бемор учун қайғурманг.

Беморнинг хаёллари ва ҳис-түйғуларини башорат қила ола билиш.

Беморнинг айтган сўзларигагина эмас, балки у айта олмаган гапларга ҳам эътибор бериш керак.

Барча маълумотлар 3 та компонентдан иборат:

• **Емпирик** - bemor кечинмалари түғрисида маълумот берувчи компонент.

• **Билишга оид** - bemorни яқиндан билиш ва унинг нималарга қодирлиги түғрисида маълумот берувчи компонент

• **Эффектив** - bemor нималарни ҳис этаётгани ёки кимнинг таъсири остида эканлиги түғрисида маълумот берувчи компонент.

Бу компонентлар хоҳлаган комбинатсияда учраши мумкин.

- Фақат эмпирик компонентдан.
- Фақат билишга оид компонентдан.
- Фақат эффектив компонентдан.
- эмпирик ва билишга оид компонентдан.
- эмпирик ва эффектив компонентдан
- Билишга оид ва эффектив компонентдан.
- Учала компонентдан ҳам.

Асосий эътибор, одатда, bemornинг ҳис-түйғуларига қаратилади, бунда эътибор bemornи тушунишда ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик муаммолар ҳис-түйғуларга тақалади, қандайдир сабабларга кўра bemorga қийинчилик туғдиради. Унга ёрдам бериш учун ёки уни қийнаётган ҳис-түйғуларни англаш учун уларга конструктив йўл билан йечим топиш лозим. Ҳамшира шу түйғуларни билдиришга имконият бериб, уларнинг батафсил айтилишига ёрдам бериш керак.

Беморнинг ҳис-түйғуларини аниқлашни хоҳлаган ҳамшира bemorga: «Бу йерда ҳис-түйғулар түғрисида гаплашишимизга ҳеч нарса халақит қилмайди. Ҳис-түйғуларингизни мен билан баҳам кўришингизни хоҳлардим. Сизга ёрдам беришга ҳаракат қиласман» каби гапларни айтиши лозим.

Шу пайтда ҳамшира фақат айтилаётган ҳис-түйғуларгагина эмас, балки айтилмаётган түйғуларга ҳам эътибор бериши керак. У bemornи дикқат билан эшитиб, bemor ўйлаётган аниқ бир муаммо түғрисида маълумот олиши учун калит бўлиб хизмат қилувчи нарсани қидиради. Беморнинг сўзлари, киликлари, ҳаракатлари, имо-ишоралари ва мимикаси калит бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шуларнинг барчасини бир бирликга жамлаганда bemor түғрисида кўп нарсани айтиб бериши мумкин.

Беморнинг сұхбатда қайси сўзларни танлаб гапириши ва бу сўзларни қандай айтиши, оҳангি, тезлиги, овознинг баланд-пастлиги унинг гаплари остида ётган ҳис-түйғуларини тушуниш учун калит бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Еътиборли ҳамшира сұхбат пайтида сўзлар гапирилаётганды ёки қайси сўзларни эшитганды, бемор руҳий, асабий ҳаракат қилганини эслаб қолади. Тананинг ҳолати, унинг имо-ишоралари, ҳаракатлари ҳамшира учун катта маълумот беради.

Шулардан сўнг ҳамшира беморга: «Мен сизни айтмаган фикрларингиз ва ҳис-туйғуларингиз тўғрисида шундай фикрда-ман. Фикрим тўғрими? Шундай бўлса, нега бу тўғрисида гапирмаяпсиз? Агар фикрим нотўғри бўлса, илтимос, менга тўғрисини айтинг» каби сўзлар билан мурожаат қилиши лозим.

Афсуски, бундай ҳолатлар кўп учрайди, яъни аввалдан ўз туйғулари тўғрисида гапириб бера олмаслик кўпчилик беморларга хосдир. Бемор ўз туйғулари тўғрисида гапириб бериши учун имкониятлар қидиради. Лекин унинг ҳаракатлари нохуш ҳолатларга тўғри келиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатларга кўпинча ҳамшира ҳам сабаб бўлади. Масалан: бемор гапираётганды эътибор бермаслик, гапни бошқа мавзуга буриш ёки: «бўлиши мумкин эмас» каби сўзлар ва ҳаракатлар беморни шаштидан қайтариши мумкин. Ҳамшира бундай ҳолатларнинг олдини олиши лозим.

Иккинчи ҳолат, беморнинг ўз ҳис-туйғуларидан уялиш ва оқибатдан кўрқишидир. Кўпинча одамлар ўз туйғуларидан уяладилар, уларнинг туйғуларини муҳокама қилинишидан ва кулгу бўлишидан қўрқадилар.

Ҳамшира бу қийинчиликларга қарамай беморга катта ҳурмат кўрсатиши лозим. Ва беморга: «Сиз айтаётган ҳисларни мен тушунаман ва Сизни аввалгидек ҳурмат қиласман» деган гапларни айтиб, унинг кўнглига таскин бериши керак. Бундай вазият беморга ҳис-туйғуларини батафсилроқ гапириб беришга муҳит яратиб беради.

Шундай қилиб, ҳамшира учун айтилган ва сир тутилган ҳис-туйғулар жуда муҳимдир. Бу туйғуларга жавоб топиш учун, аввал улар тўғрисида билиши керак.

Шахсий билим ва хусусиятлар. Ҳамшира ўз иши, фаолияти давомида, яъни беморлар билан мулоқотда бўлганда, ўз ишини, билимини ва унга юклangan масъулиятларни бажариши, юқорида айтиб ўтилган хусусиятларни ишлата билиши бемор билан ҳамшира ўртасидаги муҳитни (ҳамшира-бемор) белгилаб беради.

Бу бўлимда бутун эътибор Сизга (ҳамширага) қаратилган. Бу бўлимда шахсий билим ва хусусиятларга кирувчи ширинсуханлик, очик чехралик, ҳозир бўлиш ҳисси, ўз-ўзини тушуниш кабилар кўзда тутилган.

Инсондаги ички «Мен» коммуникатсияга ва ўзгаларни тушунишга катта таъсир кўрсатади. Ўз-ўзини тушуниш қийин масала ҳисобланади, чунки ўз тўғримизда қандай фикрдалигимиз, ўзгалар биз тўғримизда қандай фикрда эканликлари ва аслида ким эканлигимиз ўртасида аниқ чегара қўйиш ҳар доим ҳам осон кечмайди.

Ўзгалар ёрдамида ўз хатоларимизни англаш ва ўзимиз тўғримизда кўпроқ маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Бу бўлим 6 та қисмга бўлинади:

- Илиқлик ва ҳозир бўлиш туйғуси.
- Ўзини намоён қилиш.
- Ўзини англай олиш.
- Ўзини қабул қила олиш.
- Яхши ва ёмон томонлар.
- Ўз билимини ва хусусиятларини қўллаш.

Илиқлик ва ҳозир бўлиш сезгиси

Илиқлик ва ҳозир бўлиш сезгиси қандай кўринишларда учрашини кўриб чиқамиз. Ҳамшира буни қуидаги йўллар билан намоён қилиши мумкин:

- Кулги.
- Бемор билан дўстона муносабатда бўлиш, унинг исми билан мурожаат қилиш.
- Уни ўзига яқин тутиш.
- Бемор билан ҳеч қандай қийинчиликсиз сухбат юритиш.
- Беморга нисбатан бефарқ эмаслигини кўрсатиш.

Ҳозир бўлиш сезгиси - бу жисмоний ва руҳий жиҳатдан қатнашишдир. Бу имкониятни орада илиқлик туғдириш учун ишлатиш лозим. Бу имкониятингизни қуидаги йўллар билан амалга оширишингиз мумкин:

- Беморнинг кўзларига боқиб туринг.
- Кўзларингиз билан мулоқотни қўллаб туринг, тик қараманг.
- Ҳаракатингиз билан bemorга қизиқиши кўрсатинг.
- «Ҳа» маъносида бошингизни ирғаб туринг.
- Маълумотларни тушунишга ҳаракат қилинг.

Ўзини намоён қилиши-бу маҳорат ўзганинг ҳукуқларини паймол қилмасдан ўз ҳукуқларини намоён қилишдан иборат. Сиз шундай ҳолатга тушишингиз мумкинки, ходимларнинг иш ўринлари қисқартирилган пайтда Сиздан катта иш унумини талаб қилишади. Бундай ҳолатларда ўзингизни намоён қилишингиз ёки вазиятга тан беришингиз керак. Кўпинча вазиятга тан берган пайтларимизда стресс ҳолатига тушамиз.

Стресс пайдо бўлишига сабаб биз ҳеч қачон ҳақиқатдан ҳам хоҳлаган нарсамизни талаб қилмаймиз. Шунинг учун бу нарсага эришмаймиз. Стрессни йўқотиш усувларидан бири – ўзига ишонч ҳосил қилиш.

- «Йўқ» сўзини айтгимиз келганда, «йўқ» дейиш.
- Истаган нарсани талаб қилиш.
- Ўз фикрини билдириш.
- Вазият талаб қилганда, қарама-қаршиликка бориш.

Ўз-ўзини anglay biliishi

Бу атрофимиздаги борлиққа, жисмларга нисбатан ўз муносабатимизни билдириш демакдир. Бу хусусият ўз-ўзини билиш билан кескин боғлик, чунки биз ўз сезгимиз ва таъсиранлигимиз тўғрисида маълумотга эга

бўлмай туриб уларни ўзгага айтиб бера олмаймиз. Шундай қилиб, ўз-ўзини англаш стрессни бошқариш усулларидан биридир.

Ўз-ўзини қабул қила олиш

Бу хислат ўзини англай олиш билан кескин боғлиқдир. Ўз-ўзини қабул қилишда қийинчилик сезган одамлар ўз-ўзини англашда ҳам қийинчилик сезадилар. Агар биз ўзгаларга ўзимизни очиб бера олмасак, улар биз ҳакимизда маълумотга эга бўлмайдилар. Натижада бизни қабул қила олмайдилар ва ўзидан ўзи қабул қила олмаслик кучаяди. Шунинг учун ўз-ўзини қабул қилиш шахсий ва шахслар аро муносабатларни қуришда муҳим ўрин эгаллади.

Шахслараро муносабатда новербал аспектлар кўникмаси

Биз ҳаммамиз сўзлар ёрдамида мuloқot қиламиз. Лекин, ўйлаб кўринг, агар биз гапираётган сўзлар, новербал ҳаракатларимиз бизнинг имо-ишораларимиз билан тўғри келмаса-чи?

Новербал кўникмалар гапирилган гапнинг асосий маъносини кўрсатиб беради. Новербал сигналлар сўзларга қараганда кўпроқ маъно англатади. Сиз кундалик хаёtingизда айтётган гапларингиз билан новербал сигналлар мос келишини ўз кузатувингиз остига олишингиз керак.

Новербал мuloқot кўникмалари қуйидаги йўллар билан намоён этилади:

- Суҳбатдошингиз билан орадаги масофа.
- Беморни ўзига яқин тутиш.
- Тана ҳолати.
- Махфийлик.
- Кўз орқали мuloқot.

Беморни ўзига яқин тутими- оғир руҳий ҳолатларда bemorni тинчлантириш, у билан биргаликда ғам чекиши.

Тана ҳолати- ўзга одамлар билан мuloқot пайтида бўйсуниш, доминантлик қилиш ва пассивлик ҳолатларини намоён қилишиш билан ифодаланади.

Махфийлик- bemorning истагига қараб унга махфийликни яратиб бериш лозим. Бемор билан алоҳида суҳбат қуриш ва бу суҳбатни ўзгалар билан муҳокама қилмаслик лозим.

Кўз орқали мuloқot- инсоннинг нималар ҳакида ўйла-ётгани ва нималарни ҳис этаётганини кўзларидан билиб олишимиздир. Инсоннинг кўз ҳаракатларидан унинг феъл-атворини ҳам билиб олиш мумкин.

Суҳбат давомида кўзлар билан тик қараб туравериш ҳам вазиятни асабийлаштиради. Гапираётганда ҳам, bemorni эшитаётганда ҳам кўз ҳаракатларини идора этиш нормалари мавжуд. Масалан, кўз орқали мuloқot гапиришдан олдин ўрнатилади. Тингловчи унга қизиқиши билдираётганлигини англагач, гапираётган инсон четга қараб унга нималарнидир сўзлайди. Лекин вақти-вақти билан қизиқиши йўқолмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун нигоҳ ташлаб туради. Новербал

сигналларга ахамият бериб туради. Кўзлари орқали унга сўзлашни тўхтаётганлигини билдириб, тингловчига ўз фикрини билдиришга имконият беради.

Новербал қўникмалар – эшитиши маҳорати

Тинглашни билиш маҳорат ҳисобланади. Биз эшитиш маҳоратининг учта элементини кўриб чиқамиз.

- Рағбатлантирувчи новербал аспектлар.
- Рағбатлантирувчи вербал аспектлар.
- Жим туриш.

Рағбатлантирувчи новербал аспектлар

Ешитиш маҳоратининг новербал компонентларига қуидагилар киради.

- Кўз орқали мулоқот.
- Еътиборни англатувчи тана ҳолати.
- Беморга қараган тик ёки ўтирган ҳолат.
- Сухбатдошлар орасидаги масофа.
- Бошни ирғаб туриш билан сухбатни қўллаб туриш.

Тинглашни билиш ўзида - контцентратсияни, эътиборни, тушунишни жо қиласи.

Рағбатлантирувчи вербал аспектлар

Вербал аспектлар асабий ёки таъсирчан bemorларга майин сўзлар орқали унинг сўзларига қизиқиши билдириш демакдир.

Тинчликни сақлаш-сухбат давомида жим туриш тажрибасиз одамларда ҳаяжонни чақиради. Лекин сухбат давомида жим туриш муҳим паузани юзага келтиради. Пауза гапираётган одамга жиддий сухбат юритишдан олдин фикрини жамлаб олишга ёрдам беради. Бемор жим бўлиб қолганида паузани тўлдиришга шошилманг. Бунинг ўрнига bemor гапирган сўзларни муҳокама қилинг.

Вербал қўникмалар – савол берииш маҳорати

Ҳамширалик амалиётида савол бериш маҳорати катта ахамиятга эга. Саволлар қуидагича бўлиши мумкин:

- Умумий.
- Аниқ.
- Йўналтирувчи.
- Синов мақсадида.
- Кенг тармоқли.

Умумий саволлар. Ҳамширининг bemor билан мулоқот пайтида умумий саволларга ёндашиши мўтадил муҳитни яратади. Яъни мулоқот пайтида ҳеч қандай кескин, bemorни қийин вазиятга солувчи саволлар бермаслик керак. Сухбатни умумий саволлар асосида куриб аста-секин аниқ ва бошқа турдаги саволларга ўтиш лозим.

Аниқ саволлар. Тез ва дангал жавоблар олиш учун аниқ саволлардан фойдаланиш лозим.

Йўналтирувчи кенг тармоқли саволлар. Беморлар жавоб берадиган маҳалда ҳамширалар уларга шу саволлар билан жавобга ойдинлик киритиши мумкин.

Бемор муаммоларини аниқлаш ва приоритетлар бўйича таснифлаш

Тиббиёт тизимида уникал моделлардан бири деб эътироф этилаётган Республика шошилинч тиббий ёрдам Илмий марказларининг очилиши ва уларнинг юқори технологияли даволаш ва диагностика ускуналари билан жиҳозланиши шошилинч тиббий ёрдамга муҳтоҷ бўлган bemorlariga ўз вақтида юқори сифатли ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишни таъминламоқда. Хозирда тиббиёт шифохоналари барча турдаги замонавий даволаш ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ва малакали мутахассислар билан таъминланган. Xусусан, диагностика бўлими тиббиёт ускуналари ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланган Япония, Германия, Италия, Россия ва Хитойда ишлаб чиқарилган лаборатория анализаторлари, электрокардио-граф, ультратовуш текшириш аппаратлари, эндоскопик гастродуоденоскоп, колоноскоп, рентген ва МСКТ (компьютер томография) каби замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, бу текшириш усуллари шошилинч ёрдамга муҳтоҷ bemorlaraga ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш учун шифокорларга қўл келадиган зарурий маълумотларни олишга ёрдам бериб келмоқда. Ультратовуш текшируви қорин бўшлиғи аъзолари, сийдик чиқарув йўллари ва плевра бўшлиғидаги патологик ўчоқларни аниқлашда кенг қўлланилиб келинмоқда. Натижада эса бир қатор касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва тезкор даволаш чораларини қўллаган ҳолда bemorlarining даволаниш сифати ва самарасини яхшилашга эришилмоқда. Ультратовуш допплерография текширувлари хам амалга оширилмоқда. Бу усуллар ноинвазив усул орқали магистрал ва периферик қон-томир касалликларига аниқ ташхис қўйиш ва бунинг натижасида эса даволаниш сифатини оширишга эришиш мумкин. Эндоскопик гастродуоденоскопия текширув усули ошқозон-ичак системасидаги касалликларни аниқлаш ва кейинги даво тактикасини танлашда қўл келмоқда. Айниқса, ошқозон-ичак трактидан қон кетиш ҳолатларида хирург учун зарурий даво тактикасини аниқлашда эндоскопия усули асосий ёрдамчи текшириш усули ҳисобланади. Ўт йўлларида патологик жараёнларни аниқлашда қўлланиладиган ретроград панкреотохолангография (РПХГ)

текшириш усули йўлга қўйилди ва ўт йўллари касалликлари билан оғриган беморларга аниқ ташхис қўйишида кенг қўлланилмоқда. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларидан қон кетганда эффектив ва кам инвазив усуллардан бири бўлган аргонокоагуляция усулини тадбиқ қилиш мўлжалланмоқда. МСКТ (компьютер томография) текшируви бошқа текшириш усулларига қараганда кўпроқ маълумот олиш мумкин бўлган энг информатив усул бўлиб, оғир қўшма жароҳатлар, инсульт, умуртқа поғонаси ва бош миядаги касалликлар, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи ургент патологияларида аниқ ташхис қўйишида кенг қўлланилмоқда. Магистрал қон томирлари, ин-тра ва экстракрониал қон томирлар патологияларини аниқлашда қўлланиладиган ва энг информатив усул ҳисобланган МСКТ ангиография текшириш усули йўлга қўйилган. Бу усулни ишемик инсультларнинг сабабини, аорта равоғидан чиқадиган магистрал томирларнинг стенози, тромбози ва окклузияларини аниқлашда кенг қўллаш назарда тутилган. МСКТ ангиография текшириш усулини ривожлантирган ҳолда яқин йиллар ичида юрак қон томирларини коронарография қилиш усулини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Клинико-биохимик лаборатория хонаси, УТТ, ЭКГ, рефлексограф ва ЭХО-ЭГ хоналари мавжуд бўлиб, бу хоналарда беморларга замонавий усулларда текширувлар ўтказилади. Лаборатория хонасида шифокор-лаборант беморларга қон ва сийдикнинг клиник ва биохимик (Алт, Аст, билирубин, глюкоза, мочевина, креатинин, холестерин, тимол пробаси, мочевая кислота, электролитлар, липид спектри, умумий оксил, диастаза ва бошкалар), тахҳиллари, ИФА диагностика (ТТГ, эркин Т-3 ва эркин Т-4, пролактин, тестостерон, кортизол, эстрадиол, ЛГ, ФСГ, ПСА, эркин тестостерон, прогестерон, хламидия, токсоплазма, уреаплазма, микоплазма, цитомегаловирус, ВПГ -1, ВПГ-2, гарднорелла, қизилча, бруцеллез, HBsAg, HCV ва бошқалар), суртмалар, простата бези суюқлиги, эякулят (спермаграмма)

УТТ хонасида беморларга замонавий стационар Интерскан 250 ва портатив АЛОКА 500 аппаратида қорин бўшлиғи, сийдик йўллари, жинсий аъзолар, ҳомиладорлик ва қалконсимон бези текширилади.

Хирург хонасида барча хирургик касаллар замонавий аппаратларда текширувдан ўтказиб, ташхислар қўйилади ва амбулатор даволанишга тавсиялар берилади, зарур бўлган шароитларда беморлар хирургия бўлимига ётқизилади. Жарроҳ томонидан юмшоқ тўқимадаги барча йирингли касалликлар (фурункул, карбункул, абсцесс ва флегмоналар), юмшоқ тўқима ўсма касалликлари (липома, атерома, гигрома, фиброма

даволанади, портатив электрокоагулятор ёрдамида сўгаллар, папилломалар куйдирилади.

Дерматолог хонасида тери касалликларига ник ташхис қўйилади. Ташхис қўйишида кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг назарий ваамалий билимларига асосланади. Бунда специфик диагностика усуллари диаскопия, кириб текшириш, катталаштирувчи визуал диагностика, дермографизм ва бошқалар) ва лаборатория текширувлари ўтказилади. Бунда замонавий клиник ва биохимик таҳлиллар, ТОРЧ инфекциялари, биологик суюкликларни текшириш, паразитларга текширувларга асосланиб, ташхис қўйилади. Дерматолог хонасида псoriasis, склеродермия, эритематоз, вирусли дерматозлар, дерматомикозлар (замбуруғли касалликлар), витилиго, невуслар, аллергик тери касалликлари, фотодерматозлар, соч тўкилиши, кўп терлаш, хуснбузарлар, себореялар, экзема, ихтиозлар, ВИЧ инфекцияларида учрайдиган дерматозлар, моллюск, сўгаллар, кератодермияларва бошқа дерматозларга даволаш тавсиялари берилади.

Гинеколог хонасида амбулатор мурожаат этган беморлар текширувдан ўтказилиб, бепуштлик билан касалланган аёллар, жинсий йўл билан бериладиган касалликлар (хламидий, уреаплазма, микоплазма), жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари билан, бачадон эрозиялари, бачадон миомаси, кисталар, жинсий аъзолар эндометриози билан оғриган аёлларга амбулатор ёрдам кўрсатилади, тиббий кўрсатмаларига кўра bemorlar гинекология бўлимига ётқизилади.

Офтальмолог хонасида беморлар замонавий аппаратларда текширилиб, ташхис қўйилади ва амбулатор ёрдам кўрсатилади ёки офтальмология бўлимига ётқизилади. Беморларга ташхис қўйиш учун «Биомикроскопия», «Прямая ёки Обратная офтальмоскопия» усуллари кўлланилади, кўриш чегараларини аниқлаш учун «Сферопериметрия», глаукома касаллигига шубҳа бўлганда кўз босими ўлчанади. Невропатолог хонасида bemorlararga ташхис қўйиш учун МРТ, КТ, Рентген текширувлари, ЭХО-ЭГ ва клиник ва биохимик лаборатор текширувлар ўтказилади.

Беморлар бош мия қон томирлари кассалликлари, периферик нерв системасининг касалликлари, умуртқа поғонасининг остеоондрози, диск чурраси, бош мия ва орқа мия жароҳатлари, неврозлар, нерв системасининг насл касалликлари текширилади ва bemorlararga ташхис қўйилиб bemorlararga амбулатор ёки стационар даволаниш тавсия қилинади.

Гастроэнтеролог томонидан ҳозирги кунда сурункали гастрит, 12 бармоқли ичак ва меъда яраси, сурункали гепатит, сурункали холецистит,

жигар циррози, сурункали панкреатит, сурункали энтерит, сурункали колит, сурункали носспецифик ярали колит, ичак дизбактериози, сурункали эзофагит, ўткир ва сурункали бронхит, зотилжам касалликлари бўйича тажрибали мутахассис маслаҳатлари берилади.. У 1995 йилдан то ҳозирги кунгача матбуотда, телерадио эшиттиришларида, газета ва журналларда тиббиётга оид далзарб мавзуларда чиқишилар қилиб туради.

Ревматолог шифокор томонидан ревматизм, юрак пороклари, ревматоид артрит, подагра, системали касалликлар, Бехтерев касаллиги, спондилоартритлар билан bemорлар қабул қилинади, бу bemорларга аниқ ташҳис қўйиш учун рентген текширувлари, юракк ЭХО кардиографияси, ТОРЧ инфекцияси (хламидий, уреаплазма), қоннинг клиник ва биохимик тахдиллари қилинади.

Нефролог хонасида ўткир ва сурункали гломерулонефритлар, ўткир ва сурункали пиелонефритлар, сурункали буйрак етишмовчилиги, системали касалликларда буйракдаги иккиламчи ўзгаришлар билан bemорлар қабул қилинади .

Кардиолог шифокор томонидан юрак ишемик касаллиги, инфарктдан сўнгти кардиосклероз, атеросклероз, артериал гипертония, нейроциркулятор дистония, миокардитлар, кардиомиопатия, перикардитлар, юрак-кон томир етишмовчилиги, аритмиялар билан мурожаат қилган bemорлар қабул қилинади, bemорларга ташҳис қўйилгандан сўнг шифокор кўрсатмасига биноан амбулатор ёки стационар даво тавсия қилинади.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

- 1.Қосимов Э. Ю. Ички касалликлар пропедевтикаси. Дарслик. Тошкент. 1996 й.
2. Умарова Т. Ю., Каюмова И. А., Ибрагимова М. К. “Ҳамширалик иши” Тошкент 2003й.

Интернет сайтлар:

- 1.www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни химоя қилиш
2. Хамширалик ишида мулокот
3. Хамширалик ишида оналик ва болалар парваришининг ахамияти

Таянч иборалар: *Репродуктив, скрининг, диспансеризация, коммуникация*

Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни химоя қилиш

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий моделимиз жаҳон эътирофига сазовор бўлди. Ўзбекистон ёш авлод саломатлиги йўлида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига кирди. Бу ушбу соҳада босқичма-босқич олиб борилаётган изланишлар натижаси, десак, муболага бўлмайди. Хусусан, ҳомиладорлар ва туғадиган аёлларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда, ҳудудларда замонавий перинатал марказлари барпо этилмоқда, қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар поливитамин комплекслари билан тўлиқ таъминланмоқда.

2009 йилнинг иккинчи ярмидан бошлиб республикамизнинг барча ҳудудида ҳар ойда “Фертиль ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш” ҳафталиклари мунтазам ўтказилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг юқори малакали мутахассислари, тиббиёт олий ўқув юргазлигининг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан туғиши ёши 20 дан 35 ёшгача бўлиши кераклиги, туғуруқ оралиғи энг камида 3-3,5 йилни ташкил қилиши зарурлиги, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, ўз саломатлиги ва туғилажак фарзандининг соғлигига хавф солиши мумкин бўлган хасталиклардан ўз вақтида фориғ бўлишга эътибор қаратишлари лозимлиги бўйича берилаётган тавсиялар, ўз навбатида, аҳолининг тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, ўтган 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниб, маҳсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ишлар миқёси ва кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Давлат дастури асосида 2014 йил давомида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида 137 та тиббиёт муассасасида, жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё,

Самарқанд, Тошкент вилоятлари кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, Андижон шаҳридаги туғруқ комплекси, Тошкент шаҳридаги болалар санаторийси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси бўлими ва бошқа соғлиқни сақлаш масканларида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, хорижий молия институтларининг 28 миллион 500 минг долларлик кредит ва грант маблағлари ҳисобидан туман тиббиёт бирлашмалари, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология муассасалари, вилоят шифохоналари замонавий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш – миллат саломатлигининг кафолати

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ягона тизим яратилиши, бу соҳада ташхис кўйиш, профилактика ва даволаш бўйича замонавий технологияларнинг жорий этилиши аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ихтисослаштирилган акушерлик-гинекология, перинатал ва педиатрия ёрдами кўрсатиш сифатини ошириш имконини берди. Хотин-қизлар ва болалар саломатлик кўрсаткичларининг яхшилангани, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими З баробарга камайгани ҳам шундан далолат беради. Аҳоли саломатлигини асраш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ҳаётимиздаги кўплаб тиббий-ижтимоий вазифаларни оқилона ҳал этиш барқарор тараққиётга эришишнинг муҳим омилидир, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бу масалаларга давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият қаратилаётгани ўз самараларини бермоқда. Мамлакатингизда аҳолининг барча қатламига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш кўлами тобора кенгайиб бораётгани эътиборга молик. Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида танлаган миллий модели билан яқиндан танишиш, турли мамлакатлардан келган мутахассислар билан фикр алмашиш, ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг “Саломатлик – 2020” миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш тажрибаси билан танишиш имконини яратди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. “Она ва бола скрининги” дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан бўён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. “Save the Children” халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган

тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизими ning бирламчи бўғинлари, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оиласий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор, қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётан улкан эътиборнинг яққол тасдидидир. Спорт эса мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафакат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди.

– Ўзбекистон “Саломатлик – 2020” стратегиясини ҳаётга изчил татбиқ этаётган энг етакчи мамлакатлар қаторига киради.

– Ўзбекистон тиббиёт соҳасида кенг қамровли туб ислоҳотларни амалга ошириб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Айтиш жоизки, аҳолиси соғлом юртда иқтисодий барқарорлик бўлади. Бундай муҳим тадбирда иштирок этиш, аҳоли саломатлигини асраш ва фаровонлигини ошириш борасида фикр ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлаётганимдан мамнунман. Анжуман доирасида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш борасида ғоят салмоқли ишлар амалга оширилаётганига амин бўлдик. Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги ютуқларини чуқур ўрганиш ва қўллаш юксак самаралар беради.

Ҳамширалик ишида мuloқot

Барча одамлар жумладан бемор ва тиббиёт ҳодимлари бир-бири билан мuloқot орқали муносабатда буладилар, алоқа қиласилар. Коммуникатсия тушунчаси ва унга туғри ёндошиш ҳамширалик иши учун катта аҳамиятга эга. Ҳамшира беморлар парваришида ўзининг коммуникатсия борасидаги кўникмаларини тадбиқ қилиб ва доимо ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиши лозим. Агар бемор тушкунликка тушган бўлса, руҳий ва жисмоний қийинчиликларни бошидан кечираётган бўлса ҳамшира бу ҳолатда ўзининг мuloқot борасидаги бор маҳоратини, билим ва кўникмаларини ишга солмоғи лозим. Коммуникатсия кўникмалари муайян вақт ва маъсулият ҳиссини талаб қиласиди. Ижобий ва илиқ мuloқot ҳамширалик иши муваффақияти, самараси учун муҳим омилдир. Айниқса пациентни шифохонага ётқизишда, уни бошқа бўлимга ўтқазишда, оператсия ва бошқа оғир муолажаларга тайёрлашда у туғри мuloқotнинг аҳамияти катта. Ҳамшира бемор билан самимий, чин кўнгилдан, унинг шахсини хурмат қилиб, қўллаб-қувватлаб, аниқ ва

тушунарли мuloқot ўрнатиши керак. Беморда мuloқot даврида турли эҳтиёжлар келиб чиқиши мумкин.

Коммуникатсия – ҳамширалик парваришининг инсонпарварлик асосларидир.

Бу мулокот демакдир. Барча одамлар жумладан bemor ва тиббиёт ҳодимлари бир-бири билан мулокот орқали муносабатда бўладилар, алоқа қиласилар. Коммуникатсия тушунчаси ва унга туғри ёндошиш ҳамширалик иши учун катта аҳамиятга эга. Ҳамшира bemorлар парваришида ўзининг коммуникатсия борасидаги кўникмаларини тадбиқ қилиб ва доимо уз ҳатти-харакатларини таҳлил қилиши лозим. Агар bemor тушкунликка тушган бўлса, руҳий ва жисмоний қийинчиликларни бошидан кечираётган бўлса ҳамшира бу ҳолатда ўзининг мулокот борасидаги бор маҳоратини, билим ва кўникмаларини ишга солмоғи лозим. Коммуникатсия кўникмалари муайян вақт ва маъсулият хиссини талаб қиласи. Ижобий ва илик мулокот ҳамширалик иши муваффақияти, самараси учун муҳим омилдир. Айниқса пациентни шифохонага ётқизишда, уни бошқа бўлимга ўтқазишда, оператсия ва бошқа оғир муолажаларга тайёрлашда у туғри мулокотнинг аҳамияти катта.

Ҳамшира bemor билан самимий, чин кўнгилдан, унинг шахсини ҳурмат қилиб, қўллаб-қувватлаб, аниқ ва тушунарли мулокот ўрнатиши керак. Беморда мулокот даврида турли эҳтиёжлар келиб чиқиши мумкин.

Бунда уларга маслаҳатлар бериш, кўнглини кўтариш, тинчлантириш ёки у билан ижтимоий алоқа ўрнатиш лозим, бу вақтда ҳамширага унинг тажрибаси, мулокот кўникмалари ва муаммали воситаси катта аҳамият касб этади.

Ҳамширалик ишида оналик ва болалар парваришининг аҳамияти

Мамлакатимиздаги скрининг марказлари томонидан олиб борилган ишлар натижасида ўтган йилда 20 мингдан ортиқ нуқсонли бола туғилишининг олди олинди. “Соғлом она – соғлом бола” лойихаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта қадам бўлди. Чунончи, қонунчиликка импорт қилинувчи ёки республикада ишлаб чиқарилувчи барча озиқ-овқат тузи маҳсулотларини йод билан бойитиш, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳамда уни тарғиб қилиш учун маъмурӣ жазо чораларини белгилашга йўналтирилган қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида” қабул қилинган қарори моҳият эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар, ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, маҳсус ҳамда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган. Айни чоғда аҳолини оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришилаш бўйича ўтказилаётган соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлиқни сақлашнинг ахборот тизимини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни химоя қилиш мақсадида ҳар ойда фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиги ёки ҳар йили чекка худудлардаги аҳоли “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва муассасаларнинг юқори малакали мутахассислари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан режа асосида ўтказилмоқда.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Котельников Г.П “Сестринское дело профессиональные дисциплины”. Ростов н/Д. 2007 год.
2. Қосимов Э. Ю. Ички касалликлар пропедевтикаси. Дарслик. Тошкент. 1996 й.
3. Умарова Т. Ю., Каюмова И. А., Ибрагимова М. К. “Ҳамширалик иши” Тошкент 2003й.

Интернет сайтлар:

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**МАВЗУ. ХАМШИРАЛИК ЖАРАЁНИ. ХАМШИРАЛИК ЖАРАЁНИ БОСҚИЧЛАРИ
(6 СОАТ)**

Режа:

1. Касалликларда хамширалик ташхисини қўйиш принциплари ва
Хамширалик каскаллик тарихини юритиш қоидалари
2. Хамширалик ташхиси алгоритми
3. Хамширалик ташхисини қўйиш ва пациент муаммоларини аниклаш

Касалликларда хамширалик ташхисини қўйиш принциплари ва Хамширалик каскаллик тарихини юритиш қоидалари

Хамшира ташхиси – хамширалик жараёнининг асосидир. Тиббий ташхис (врач ташхиси касалликнинг барча белгилари йигиндисидан иборат булса, хамшира ташхиси – хамширалик иши мутахассиси томонидан куйилиб, касалликнинг кечишига тугри баҳо бериш, bemор билан мулокат услубига эга булиш, bemорда касаллик окибатида пайдо булган муаммоларни аниклаш, шу асосда даво парваришлиш режасини тузиш, мустакил равишда bemор кузатув кундалигини олиб бориш, bemорда согломлаштиришни ташкил килишдир.

Хамшира бундай ташхиси куйиш учун назарий билимларга эга булиш билан биргаликда амалий қуниқмаларни хам мукаммал билиши керак. Хамшира bemордан маълумот йигиши жараёнидаги касалликнинг объектив ва субъектив белгиларини аниклаш учун bemор билан мулокат (коммуникация) усусларини билиши лозим..

Коммуникация – bemор билан хамшира уртасидаги мулокат булиб, парвариши, bemорнинг шахсиятини химоя килган холда, унинг рухий кечинмаларини ва касаллик енгиллаштирилиш усусларини аниклаб, bemорга психоэмоционал осойишталик яратиб, олиб борищдир.

Хамширалик ташхиси алгоритми

Аникланган белгиларга асосланиб хамшира, bemор муаммосини бартараф килиш максадида, парвариш ва даволаш режаси тузади. Хамшира тузилган режа асосида иш олиб борса, bemорнинг тузалишига, согломлаштирилишига кафолат булади, чунки режали парвариш касалликка карашли чоранинг кечишида асосийларидан хисобланади.

Хамшира ташхисини куйишида лаборатор ва функционал текширувлар катта ахамиятга эга. Хамшира бу текширувларга bemорлар тайёрланиши, текширув ахамияти, утказиш усуслар, натижалари ва техника хавфсизлиги кабиларни билиш керак. Хамшира bemорнинг холатини тугри баҳолай олиш

касаллик келиб чикиш сабабларини. Патогенезини, симптоматикасини, кечишини, диагностикасини ва асоратларини билиши зарур.

Замонавий хамшира доимо бу билимларини мустахкамлаб, уз устида иш олиб бориши, жахон тиббиёти муаммоларини, касаллик давоси, парвариши килиш ва олди олиниши усуулларини билиш керак.

Шу максадда, хамшира хатти-харакатлари врач хатти-харакатларига боғлик хамда мос булиши керак.

Хамшира ташхиси қўйишда асосан 3 та кисмга ахамият берилади:

1. Касалликнинг этиологияси-сабаблари.
2. Касалликнинг белги ва симптомалари.
3. Бемор муаммосини аниклаш.

ҲАМШИРАЛИК ЖАРАЁНИ ХАРИТАСИ

Сана	Бемор муаммолари	Ҳамширалик аралашувининг режаси			Парвариш режасини амалга ошириш	Баҳолаш
		Парвариш мақсадлари		Ҳамшир алик аралашу вининг тури		
		Қисқа муддатли	Узоқ муддатли			

Ҳамширалик ташхисини қўйиш ва пациент муаммоларини аниқлаш

Маълумотлар тўплаш-маълумотлар тўплаш, мижоз хакида ахборот бериш ва тасдиклаш. Мижоз саломатлиги холати, унинг кобилияти тугрисида хулоса чикириш. Ҳамшира томонидан парвариш килиниши ва ҳамшира парваришига мухтожликни назорат этиш. Мижознинг соглиги холати, узгаришлари хисобга олинган хар томонлама индивидуал тиббий парвариши режалаштириш.

- ❖ Маълумотлар асосини тузиш:
 - ҳамширалик анамнези;
 - физикал баҳолаш;
 - мижоз тиббий варакаси ва адабиётларни куриб чикиш;
 - согликни саклаш мутахассислари ва мижознинг кумакчи шахслари билан маслаҳатлашиш.
- ❖ Тиббий варакани янги маълумотлар билан тулдириб бориши.
- ❖ Маълумотларни тасдиклаш.
- ❖ Маълумотлар ахбороти.

Ташхис қўйиш-мижознинг хамшира мустакил хал кила оладиган касалликлари ёки мустахкам томонларини аниклаш учун маълумотлар тахлили.

Хамширалик ташхисининг устиворлик тартиби руйхатини тузиш.

- 1.Маълумотлар асосининг тахлили ва интерпретацияси.
- 2.Мижознинг касалликлари ва салбий томонларини аниклаш.
- 3.Хамширалик ташхисини аниклаш ва тартибга солиш.
- 4.Хамширалик ташхисининг устиворлик руйхатини ишлаш.

Режалаш - хамширалик ташхисида курсатилган муаммоларнинг олди олиниши, камайтирилиши ва юкотилиши буйича мижоз вазифалари (1) хамда шунга мос хамширалик муолажаларини белгиланиши (2).

Индивидуал хамширалик парвариши режасини ишлаб чикиш.

- 1.Устиворликни тартиблаш.
- 2.Вазифалар тузилиши ва баҳолаш услубини ишлаб чикиш.
- 3.Улчов тизимини танлаш.
- 4.Хамширалик парвариши режасининг ахбороти.

Амалга ошириш- даволашни режа буйича бажариш.

Мижозга соглик химояси, касалликлар олдини олиниши, бузилган функцияларнинг тикланишини тезлатиш ва шу ишни бажаришда ёрдам курсатиш.

- 1.Даволашни режа буйича бажариш.
- 2.Маълумотлар туплашни давом эттириш ва зарур булганда даволаш режасига узгартириш киритиш.
- 3.Хужжатлаштириш.

Баҳолаш - даволаш режасида белгаланган вазифалардан мижоз истаганини бажара олиш даражаси улчаниши, куйилган масалалар бажарилишига ижобий ёки салбий таъсир килувчи омилларни аниклаш, зарурат буйича даволаш режасини кайта куриб чикиш.

Даволашни режа буйича давом эттириш, ўзгартириш ёки тўхтатиш.

- 1.Мижоз олдига куйилган вазифаларни канчалик бажара олганлигини улчаш.
- 2.Максадга эришиш ёки эришмасликка сабаб бўлувчи омилларни аниклаш.
- 3.Зарурат буйича даволаш режасини ўзгартириш.

МАВЗУ. ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКАДА ЛАБОРАТОР ВА ИНСТРУМЕНТАЛ ТЕКШИРУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХАМШИРАЛАРНИНГ ЎРНИ (10 СОАТ)

Режа

1. Хамшира ишида bemорлардан маълумот тўплаш жараёнида лаборатор ва инструментал текширувларнинг ахамияти
2. Хамширалик жараёнини олиб бориша лаборатория тахлилларининг ахамияти ва замонавий инструментал текширувларнинг ўрни
3. Хамширалик ташхисини асослаш ва парвариш режасини ишлаб чиқиш

Хамшира ишида bemорлардан маълумот тўплаш жараёнида лаборатор ва инструментал текширувларнинг ахамияти

Хамшира ташхисини куйища лаборатор ва функционал текширувлар катта ахамиятга эга. Хамшира бу текширувларга bemорлар тайёрланиши, текширув ахамияти, утказиш усуллар, натижалари ва техника хавфсизлиги кабиларни билиш керак. Хамшира bemорнинг холатини тугри баҳолай олиш касаллик келиб чиқиш сабабларини. Патогенезини, симптоматикасини, кечишини, диагностикасини ва асоратларини билиши зарур. Замонавий хамшира доимо бу билимларини мустажкамлаб, уз устида иш олиб бориши, жаҳон тиббиёти муаммоларини, касаллик давоси, парвариши килиш ва олди олиниши усулларини билиш керак.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2013 йил 17 майда "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги 161-сонли буйруқ қабул қилиниши билан ҳар бир оила шифокорининг қабул меъёрлари, оила ҳамшираларининг лавозим йўриқномалари тасдиқлаб берилди. Ушбу буйруққа асосан, ҳар бир бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаси кўптармоқли марказий поликлиника, ҚВП ёки оиласи поликлиникалар шифокорларининг қабул меъёрлари кўрсатиб берилди. Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган буйруқларга асосан, ёши ва жинсидан келиб чиқиб, ҳар бир аҳоли бир йилда неча марта профилактик кўриқдан ўтиши аниқ белгиланди. Шунингдек, буйруқларга асосан, лаборатор текширувларни қайси давр оралиғи билан ўтказиш кераклиги кўрсатиб берилди. Буйруқнинг 2-иловасида оила ҳамшираларининг лавозим йўриқномаси тасдиқланган бўлиб, вазирликнинг 2009 йилдаги 80-сонли буйруғидаги низомдан фарқли равища оила ҳамширасининг ўз функционал вазифаларини бажариш жараёнида қандай амалий кўникумаларга эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бир ставкада

ишловчи оила ҳамшираси 1 иш куни давомида б та хонадонда бўлиши керак. Оила ҳамшираси хонадонга бориб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориши, шунингдек, бир ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, ногирон, қариялар ва диспансер назоратидаги bemorlarни патронаж тизими билан қамраб олиши, шифокор кўрсатмасига биноан уй шифохона шароитида муолажани бажариши кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён барча соҳалар сингари соғликни сақлаш тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда ва бу ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Айниқса, тиббиёт тизимида уникал моделлардан бири деб эътироф этилаётган Республика шошилинч тиббий ёрдам Илмий марказларининг очилиши ва уларнинг юқори технологияли даволаш ва диагностика ускуналари билан жиҳозланиши шошилинч тиббий ёрдамга муҳтоҷ бўлган bemorlarга ўз вақтида юқори сифатли ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишни таъминламоқда.

Ҳамширалик жараёнини олиб боришда лаборатория тахлилларининг аҳамияти ва замонавий инструментал текширувларнинг ўрни.

Хозирда тиббиёт шифохоналари барча турдаги замонавий даволаш ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ва малакали мутахассислар билан таъминланган. Хусусан, диагностика бўлими тиббиёт ускуналари ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланган Япония, Германия, Италия, Россия ва Хитойда ишлаб чиқарилган лаборатория анализаторлари, электрокардио-граф, ультратовуш текшириш аппаратлари, эндоскопик гастродуоденоскоп, колоноскоп, рентген ва МСКТ (компьютер томография) каби замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, бу текшириш усуллари шошилинч ёрдамга муҳтоҷ bemorlarга ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш учун шифокорларга қўл келадиган зарурий маълумотларни олишга ёрдам бериб келмоқда. Ультратовуш текшируви қорин бўшлиғи аъзолари, сийдик чиқарув йўллари ва плевра бўшлиғидаги патологик ўчоқларни аниқлашда кенг қўлланилиб келинмоқда. Натижада эса бир қатор касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва тезкор даволаш чораларини қўллаган ҳолда bemorlarning даволаниш сифати ва самарасини яхшилашга эришилмоқда. Ультратовуш допплерография текширувлари хам амалга оширилмоқда. Бу усуллар ноинвазив усул оркали магистрал ва периферик қон-томир касалликларига аниқ ташхис қўйиш ва бунинг натижасида эса даволаниш сифатини оширишга эришиш мумкин. Эндоскопик гастродуоденоскопия текширув усули ошқозон-ичак системасидаги касалликларни аниқлаш ва кейинги даво тактикасини танлашда қўл келмоқда. Айниқса, ошқозон-ичак трактидан қон кетиш ҳолатларида хирург учун зарурий даво тактикасини аниқлашда эндоскопия усули асосий ёрдамчи

текшириш усули ҳисобланади. Ўт йўлларидағи патологик жараёнларни аниқлашда қўлланиладиган ретроград панкреотохолангография (РПХГ) текшириш усули йўлга қўйилди ва ўт йўллари касалликлари билан оғриган беморларга аниқ ташхис қўйишда кенг қўлланилмоқда. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларидан қон кетганда эффектив ва кам инвазив усуллардан бири бўлган аргонокоагуляция усулини тадбиқ қилиш мўлжалланмоқда. МСКТ (компьютер томография) текшируви бошқа текшириш усулларига қараганда кўпроқ маълумот олиш мумкин бўлган энг информатив усул бўлиб, оғир қўшма жароҳатлар, инсульт, умуртқа поғонаси ва бош миядаги касалликлар, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи ургент патологияларида аниқ ташхис қўйишда кенг қўлланилмоқда. Магистрал қон томирлари, ин-тра ва экстракрониал қон томирлар патологияларини аниқлашда қўлланиладиган ва энг информатив усул ҳисобланган МСКТ ангиография текшириш усули йўлга қўйилган. Бу усулни ишемик инсультларнинг сабабини, аорта равоғидан чиқадиган магистрал томирларнинг стенози, тромбози ва окклузияларини аниқлашда кенг қўллаш назарда тутилган. Ҳозирги кунда 7 та бемор ушбу текширувдан ўтказилган. МСКТ ангиография текшириш усулини ривожлантирган ҳолда яқин йиллар ичида юрак қон томирларини коронарография қилиш усулини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Лаборатор текширувлар

Клиник текширувлар	<ul style="list-style-type: none"> • Умумий сийдик таҳлили • Нечипоренко бўйича сийдик таҳлили • Зимницкий бўйича сийдик таҳлили • Сийдиқдаги глюкоза миқдорини аниқлаш • Умумий ахлат таҳлили • Яширин қон кетишларда ахлат таҳлили • Орқа мия суюқлигини текшириш (ликвер) • Простата шираси и уретрет мазогини текшириш • Спермограмма (эякулят) • Ошқозон ширасини текшириш • Теридаги замбуруғларни текшириш • Балғам текширувлари • Гинекологик мазок таҳдиллари • Ўпка бўшлиғидаги суюқликни текшириш • Эксудат ва транссудатлар текшируви
Гематологик текширувлар	<ul style="list-style-type: none"> • Қоннинг умумий таҳлили (развернутый формы) • Красная волчанка (ЛЕ клеток) • Безгак паразитларида қонни текшириш
Биокимёвий текширувлар	<ul style="list-style-type: none"> • Қон зардобидаги аланинаминотрансферазлар активлигини аниқлаш (АЛТ) • Қон зардобидаги аспартатаминотрансферазлар активлигини аниқлаш (АСТ) • Қон зардобидаги лактатдегидрогеназлар активлигини аниқлаш • Қон зардобидаги амилазлар активлигини аниқлаш • Тимол синамаси • Сийдик ва қон зардобидаги мочевинани аниқлаш • Сийдик ва қон зардобидаги сийдик кислотасини аниқлаш

	<ul style="list-style-type: none"> Сийдик ва қон зардобидаги креатитинни аниқлаш Сийдик ва қон зардобидаги глюкозалар миқдорини аниқлаш Умумий билирубин Бевосита билирубин Билвосита билирубин Реберг синамаси Қон зардобидаги ишқорлы фосфатазалар активлигини аниқлаш Қон зардобидаги умумий оқсиллар миқдорини аниқлаш Қон зардобидаги альбуминларни аниқлаш Қон зардобидаги оқсиллар гурухини аниқлаш Қон зардобидаги холинэстеразлар активлигини аниқлаш Холестеринлар гурухини аниқлаш Қон зардобидаги триглицеридларни аниқлаш Сийдик ва қон зардобидаги глюкозаларни аниқлаш Қон зардобидаги беталипопротеидларни аниқлаш Қондаги калий, кальций, натрий ва темир моддалари миқдорини аниқлаш
Қон системаси Гемостаз	<ul style="list-style-type: none"> Коагулограммага 8 та тест Гемостазга 15 та тест
Иммунология текширувлари	<ul style="list-style-type: none"> Қон гурухини аниқлаш Резус-факторни аниқлаш Оқсилларнинг С-реактивлигини аниқлаш Қон зардобидаги О-стрептолизинларнинг қаршилигини аниқлаш Қон зардобидаги ревматик факторларни аниқлаш
Серология текширувлари	<ul style="list-style-type: none"> Сифилис диагностикаси Преципитациянинг кичик реакцияси ИХАТест
Вируслар ва инфекцияларни текшириш	<ul style="list-style-type: none"> HIV ½ HBS Ag Anti HBS Ag HAV IgM Anti HBc
ИФА – МД 96 (иммуноферментт ой анализатор)	<p>ТОРЧ инфекцияси:</p> <ul style="list-style-type: none"> Вирус цитомегаловирус IgG, IgM Оддий герпес вируси IgG, IgM Қондаги таксолазма IgG, IgM Қондаги микоплазма IgG, IgM Қондаги уреаплазма Қондаги қизилчалар
ПЗР (полимераза занжирли реакции)	TORCH инфекциясига
Гормонли текширувлар	<ul style="list-style-type: none"> ЛГ (лютеинизирующий гормон) Тироксин (T4) Трийодтиронин (T3)

Хамширалик ташхисини асослаш ва парвариш режасини ишлаб чиқиши

Хамширалик ташхисининг кайта ишланиши, таснифланиши, илмий синовдан утказилиши давом эттирилиши тадбирларини ташкиллаштириш ва куллаш. Бу тадбирлар ташхис учун мезонлар аникланиши буйича миллий конференцияларни режалаш, жорий илмий тадқикотларни назорат килиш ва таснифлашнинг турли усулларини урганишдан иборат.

Ташхис қўйиш-мижознинг хамшира мустакил хал кила оладиган касалликлари ёки мустахкам томонларини аниклаш учун маълумотлар тахлили.

Хамширалик ташхисининг устиворлик тартиби руйхатини тузиш.

- 1. Маълумотлар асосининг тахлили ва интерпретацияси.**
- 2. Мижознинг касалликлари ва салбий томонларини аниклаш.**
- 3. Хамширалик ташхисини аниклаш ва тартибга солиш.**
- 4. Хамширалик ташхисининг устиворлик руйхатини ишлаш.**

Бемор врачга мурожат қилиб келганда доим унинг дардини, касаллик сабабини ўрганиши лозим, кейин bemornинг касаллик тарихи дафтарчаси тўлдирилади. У поликлиникада, айниқса шифохонада баътафсил ёзилади. Хозир хамма поликлиникаларда, айниқса шифохоналарда хар бир bemorга алоҳида тарих дафтарчаси очилган бўлиб, у белгиланган тартибда ёзилади. Тарих дафтарчаси бир неча бўлимлардан иборат бўлиб, унда bemornинг турар жойи, ким бўлиб ишлаши, ташқи кўриниши ва хасталигини келиб чиқиши тарихини қамраб олган маълумотлар ёзиб борилади. Тарих дафтарчаси бутун мамлакатимиз бўйича бир хил (стандарт) бўлиб, босмахона усулида чоп этилган дафтарчадан иборат.

Шуни хам таъкидлаб ўтиш керакки, тарих дафтарчасининг ёзиш учун врач катта билим ва маҳоратга эга бўлиши зарур. Бунда шифокорнинг тиббиёт оламидаги билими қанча бой бўлса, тарих дафтарчасининг шунчалик тўғри ва тўла ёзишга эришилади.

Режа

1. Ўзбекистонда репродуктив саломатликни ташкил этишда хамширалар ўрни
2. Ўзбекистонда оилавий тиббиётнинг ривожланиш сарҳадлари
3. Профилактикада хамширалиқ иши ва кўкрак сутининг афзалликлари

Ўзбекистонда репродуктив саломатликни ташкил этишда хамширалар ўрни

Республикамиз мустақил деб эълон қилингандан сўнг соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси ва Вазирлар Маҳкамасининг қўллаб қувватлаши билан 1993 йилдан мамлакатимиз вилоятларида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) фаолият кўрсата бошлади. Республикализ Президенти И. А. Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» тўғрисидаги фармони ушбу тизимни жорий этишни янада жадаллаштириш ва мукаммаллаштириш учун муҳим қадам бўлди. Ислоҳотлар натижасида қишлоқ жойларида малакали бепул тиббий хизматни икки поғонада кўрсатишга ўтилди. Унинг биринчиси ҚВПларда, иккинчиси эса кўп тармоқли туман шифохоналарида амалга оширилмоқда. Шаҳарларда эса оилавий поликлиникалар ташкил этилмоқда. Кўзланган тиббий ва иқтисодий самарага эришишимиз учун юқоридаги бирламчи тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларда кўп қиррали медицина ёрдами кўрсата оладиган юқори малакали врачлар ишлаши лозим. Жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг тажрибаси фақат умумий амалиёт врачигина (УАВ) ушбу талабларга тўлиқ жавоб беришини тасдиқламоқда.

Президентимизнинг 2009 йилдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорлари мазкур йўналишдаги ишлар кўлламини кенгайтиришда муҳим ҳукуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатларнинг ижроси доирасида 2009 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудида ҳар ойда “Фертиль ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш” хафталиклари мунтазам ўtkazilmokda. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг юқори

малакали мутахассислари, тиббиёт олий ўқув юртларининг етакчи профессор- ўқитувчилари томонидан туғиши ёши 20 дан 35 ёшгача бўлиши кераклиги, туғуруқ оралиғи энг камида 3-3,5 йилни ташкил қилиши зарурлиги, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, ўз саломатлиги ва туғилажак фарзандининг соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган хасталиклардан ўз вақтида фориг бўлишга эътибор қаратишлари лозимлиги бўйича берилаётган тавсиялар, ўз навбатида, аҳолининг тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, ўтган 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниб, маҳсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ишлар миқёси ва кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Давлат дастури асосида 2014 йил давомида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида 137 та тиббиёт муассасасида, жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, Андижон шаҳридаги туғруқ комплекси, Тошкент шаҳридаги болалар санаторийиси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси бўлими ва бошқа соғлиқни сақлаш масканларида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, хорижий молия институтларининг 28 миллион 500 минг долларлик кредит ва грант маблағлари ҳисобидан туман тиббиёт бирлашмалари, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология муассасалари, вилоят шифохоналари замонавий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Ўзбекистонда оилавий тиббиётнинг ривожланиш сарҳадлари

Мамлакатимиздаги скрининг марказлари томонидан олиб борилган ишлар натижасида ўтган йилда 20 мингдан ортиқ нуқсонли бола туғилишининг олди олинди. “Соғлом она – соғлом бола” лойихаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта қадам бўлди. Чунончи, қонунчиликка импорт қилинувчи ёки республикада ишлаб чиқарилувчи барча озиқ-овқат тузи маҳсулотларини йод билан бойитиш, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳамда уни тарғиб қилиш учун маъмурий жазо чораларини белгилашга йўналтирилган қонунлар лойихалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида” қабул қилинган қарори моҳият эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини

мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар, ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланиши таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, маҳсус ҳамда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган. Айни чоғда аҳолини оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришлиш бўйича ўтказилаётган соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлиқни сақлашнинг ахборот тизимини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни химоя қилиш мақсадида ҳар ойда фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиги ёки ҳар йили чекка ҳудудлардаги аҳоли “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва муассасаларнинг юқори малакали мутахассислари иштирокида чукурлаштирилган тиббий кўрикдан режа асосида ўтказилмоқда.

Бемор билан мулоқот давомида шахсга йўналтирилган ёндошиш ва у қуйидаги кўникмаларни ўз ичига олади:

- фаолият давомида bemorning хоҳиши-истакларига алоҳида эътибор бериш;
- bemorning мустақил қарор қабул қилиш хуқуқини инкор этмасдан, самарали муносабатлар ўрнатиб, маслаҳат (директив бўлмаган) бериш;
- bemor билан ҳамкорликда асосий мақсадларни аниқлаб олишни билиш;
- тиббий ёрдамни мувофиқлаштирилган ва узлуксиз кўрсатилиши тамойилларига асосланиб, ҳар бир bemorning талабларига мувофиқ тўхтовсиз ва узоқ кузатувни таъминлаш.

«Директив бўлмаган маслаҳат усулида шифокор ўз фикрини bemorga мажбуран қабул қилишга ундумай, унинг ўзи қарор қабул қилишига ёрдамлашади; Директив усулда эса шифокор bemorga тайёр қабул қилинган қарорни таклиф этади. Сўнгги усул у ёки бу сабабга кўра, bemor ўзи қарор қабул қила олмайдиган ҳолларда қўлланилади. Беморлар муаммосини ечиш кўникмалари қуйидагилардан иборат:

- bemorlarning муаммоларини ҳал қилиш жараёнида касаллик тарқалиш кўрсаткичлари ва uning янги ҳоллари ёки аҳолининг маълум гуруҳидаги патологик ҳолатларни боғлай олган ҳолда мавжуд масалалар ечимини топиш;
- анамнез йиғиш, клиник ва лаборатор-асбобий текшириш усуллари ёрдамида аниқланган ахборотларни баҳолай олиш кўникмаси; bemorlar иштирокида, уларнинг фикридан фойдаланган ҳолда даво режасини тузиш;
- қуйидаги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиш; текшириш усули ва даволашни босқичма–босқич белгилаш, уларни амалга оширишда

вақтни унумли тақсимлаш, ташхис ноаниқ бўлганда, сабр-тоқат билан ҳаракат қилиш;

- шошилинч ҳолатларда керакли ёрдамни зудлик билан қўрсатишида тўғри қарор қабул қила олиш;
- касалликларнинг эрта, ҳали аниқланмаган бошланғич даврида ташхислаш кўникмаси;
- самарали ташхислаш ва даволаш усувларини танлаш.

Профилактикада ҳамширалик иши ва кўкрак сутининг афзалликлари

Кўкрак сутининг таркиби. Кўкрак сути ва ОРИЗ суги янги чақалокларда адаптация ҳосил қиласи ва унинг мустакил ҳаёт кечиришига имкон яратади. ОРИЗ сути ъсуюқ, саргишсуюқлик бўлиб, ҳомиладорликнинг охирги триместри давомида альве-олаларни тўлдириб турди ва турруқдан кейин ҳам бир неча кун мобайнида ажралиб турди. Оғиз сути миқдори кенг до-ирада қунига 20 дан 100 мл гача ўзгариб турди. Етук сут тар-кибига турруқдан 30—40 соат кейин киради. Унинг таркибида лактоза, ёг, сувда эрувчи витаминалар кам, лекин оқсил, ёрда эрувчи витамйнлар (Е,А) ва айрим минерал моддалар кўп бўла-ди. Оғиз сути етуклигига туғишдан 3—14 кундан кейин эри-шиш мумкин. Етук сут кўпгина компонентлардан иборат. Унинг таркиби турли аёлларда турлича бўлиб, ҳатто иккала сут бези таркибида ҳам хар хил бўлади. Оқсиллар. Барча сут эмизувчилардан фарқпи равища она сугида оқсиллар кам бўлади. Сифат ва сон кўрсаткичларига асосланган ҳолда оқсилларнинг ўртacha миқдори 1,15 г/100 мл га teng. Лекин бу кўрсаткичлар катта диапазовда ўзгариши мумкин. Чунончи 10 та текширилган аёlda оқсиллар миқдори тугруқдан 8 кун кейин 1,13 Дан—2,07 г/100 мл гача ўзгарган. Айрим тадқиқотларга кўра, аминокислоталарга асосланган ҳолда аниқланувчи оқсиллар миқдори хақиқатда 0,8—0,9 г/100 мл ни ташкил қиласи экан. Оқсиллар миқдори кам бўлишига қарамай, улар талабга тўлиқ; жавоб бера олади ва гўдак буй-ракларига оғирлик түғдирмайди. Бу янги маълумотларга асос-ланган ҳолда кўкрак сутининг ўрнини босувчи озуқаларда оқсил ва туз миқдорининг юқори бўлиши 1970 йилгача олинган маълумотларга кўра гипернатриемик сувсизланишга олиб ке-лади деган фикрда бўлинган. Негаки, кўпгина болалар бу но-физиологик метаболик стрессга тез кўниши хусусилтига эга. Унинг қон айланиш касалликлари ва катталарда буйракларга таъсири ҳақида бир мунча текширишлар ўтказилган. Зардоб. Она сутида казеин коэффициенти тахминан 80:20, сигир сутвда 20:80, бошқа она сугининг ўрнини босувчи озуқа-ларда 18:82, 60:40 ни ташкил қиласи. Лекин сигир сутини она-никига яқинлаштириш оқсиллар таркиби жиҳатидан унинг яхши ўзлаштирилишига ва болалар қони зардобида аминокислота даражасининг яқинлашувига олиб келади. Одам зардоби оқсиллари, асосан одам альфа-лактоальбуминидан ташкил топган. У лактоза синтезида муҳим компонентлардан ҳисоблажвди. Сигир зардобининг асосий

оқсили, сигир бета-лактоглобу-лин одам сути оқсилларига ўхшамайди. Лекин у сут маҳсулот-лари билан она сути таркибига кириши мумкин ва аллергик болаларда антиген реакцияни келтириб чиқаради. Одам сути сигирникидан фарқ қашшб, унда эркин аминокислоталар ва цистеин миқдори бир мунча кам бўлади. Бошқа аминокислота, яъни таурин аёл сути таркибида қўп бўлиб, ўт тузларини бирлаштиради. Шунингдек, у МНС ривожланишида нейромодулятор ва нейродатчик бўлиб хизмат қиласди. Тауринни 1984 йилдан бошлиб кўкрак сутининг ўрнини босувчи озуқаларга қўша бошлишди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ҳамширалик жараёнининг тарихи ва таърифи
2. Ҳамширалик жараёнини боскичлари
3. Ҳамширалик жараёнининг моҳияти
4. Ҳамшира ташхиси кўйишда асосан нимага аҳамият берилади
5. Индивидуал ҳамширалик парвариши режаси нима
6. Қисқа ва узоқ муддатлт парваришнинг моҳияти
7. Маълумотлар тахлили ва интерпретацияси хақида гапиринг
8. Замонавий диагностиканинг аҳамияти
9. Лаборатор, текширувларни амалга оширишда ҳамширалар ўрни
10. Инструментал текширувларни амалга оширишда ҳамширалар ўрни
11. Замонавий диагностикада олий ҳамширалик иши йўналиши мутахассисларининг роли
12. Қандай лаборатор текширувусуллари мавжуд ва улар нима мақсадда қўлланилади
13. Репродуктив саломатлик деганда нимани тушунасиз
14. Оналар, болалар, ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилишдан мақсад
15. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзгаришлар
16. Соғлиқни саклаш тизимиининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни химоя қилиш мақсадида қандай чора-тадбирлар ўтказиляпти

ГЛОССАРИЙ

ХХК-ҳамшираларнинг халқаро кенгаши

ҲАХТ-ҳамширалик амалиётининг халқаро классификатори

ICNP -International classification for Nursing practice

ҚВП-қишлоқ врачлик пункти

ОП-оилавий поликлиника

БТСМ- бирламчи тиббиё санитария маркази

РПХГ - ретроград панкреотохолангидография

КТ- компьютер томография

МСКТ- магнитли сканирланган компьютер томография

ЭКГ- электрокардиография

Репродуктив-қайта тиклаш

Диспансеризация-режа асосидаги тиббий кўрик

Оила - турмуш қурган, мустақил хаё кечираётган эр-хотин ва уларнинг фарзандлари мажмуидан иборат жамиятнинг бир бўлаги

Оилани режалаштириш- оиласда болалар туғилиши, улар сонини ва фарзандлар оралиғидаги муддатни бошқариб бориш

Оналик – инсон наслини давом эттиришга мослашган аёл организмининг асосий биологик фаолияти, функцияси

Оилавий поликлиника – муайян оиладаги катталар, аёллар, хамда болаларгатурли хил мутахассисликлар бўйича тиббий хизмат кўрсатувчи муассаса

Оила шифокори – ўз ихтисослиги ёки умумихтисосолик бўйича профилактик ёрдам кўрсатиб, лозим бўлганда тегишли ихтисослик бўйича хизмат кўрсатувчи шифокор.

Оила ҳамшираси – ҳамшира вазифасини тўла мустақил адо этадиган тиббиёт ходими

Скрининг – яшириш, туғма наслий нұқсанларни инициаш бүйича ахолининг кенг қатламли текшируви

Оралық давридаги овқат – бу махсус құшимча овқат бўлиб, эмизикли болани физиологик ва специфик овқатга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қаратилган.

Репродуктив саломатлик – репродуктив тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ масалаларда фақат касаллик ва камчиликлар йўқлиги бўлибгина қолмай балки тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий муваффақиятлар ҳолатидир.

Патронаж - Хомиладор аёлларни, 5 ёшгача бўлган болаларни, янги туғилган чақалоқлар ва қарияларда доимий patronaj кузатувини ўтказиш, шунингдек диспансер назорати остида турган bemorларни врач қўрсатмасига асосан кузатиш, болаларни кўкрак сути билан бокиш ва оиласи ратсионал овқатланишини назорат қилиш.

Постнатал патронаж – бола туғилгандан кейинги патронаж.

Белги – у ёхуд бу касалликка ёки патологик холатларга хос булмаган, аммо улардан, уларда кечётган жараёнлардан нишон берувчи даракчи.

Бемор – касалликка чалинган, бетоб одам.

Беморни текшириш – bemornинг узига хос хусусиятларни ойдинлаштириб олиш.

Хамшира - ДПМда шифокор раҳбарлигига ишловчи урта махсус маълумотли мутахассис ходим.

Олий маълумотли хамшира - ДПМда шифокор раҳбарлигига ишловчи олий махсус маълумотли мутахассис ходим.

Согломлик – касаллик ва нұксонлар юклиги Билан бирга, жисмоний, рухий, маънавий соглом булишлик.

Анамнез - bemор узидан ёки уни биладиган кишилардан сураб- суриштириш оркали олинган маълумотлар мажмуи.

Иммунитет – организмнинг антиген хусусиятига эга булган юкумли ва юкумсиз агент хамда моддалардан химояланиш лаёкати.